ЎзССР Давлат [illegible] палатаси

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◆ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1997 йил 24 май, шанба • № 41 (10.919) • Эркин нархда сотилади

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 22 май куни мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Грузия давлат вазири Николоз Лекишвилини қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Грузия ўртасидаги ҳар томонлама алоқалар тобора кенгайиб бораётганини қайд этиб, ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳар икки мамлакат учун манфаатли эканини таъкидлади.

— Биз мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Грузия билан тенглик асосидаги ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Айни вақтда ҳар икки мамлакат ҳам ўзига хос синов даврини бошдан кечирмоқда. Бугунги кунда бир-биримизни қўллаб-қувватлашимиз Ўзбекистон учун ҳам, Грузия учун ҳам умумий бўлган юксак ғояларни амалга ошириш йўлида катта аҳамиятга эга эканини унутмаслик лозим, — деди жумладан Ислом Каримов. Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Грузия ўртасидаги манфаатли ҳамкорлик алоқаларининг истиқболлари хусусида фикр алмашилди.

Учрашувда бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков иштирок этди.

(ЎзА).

ЮКСАК ҲУҚУҚИЙ ТАФАККУР — ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ТАҚОЗОСИ

Илгари хабар қилинганидек, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 20 май куни республика ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашди.

Учрашувда халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш, қабул қилинган қонун ва қонунчилик ҳужжатлари моҳиятини аҳоли кенг қатламларига янада чуқурроқ етказиш билан боғлиқ масалалар хусусида фикрлашилди.

Биз юртимизда эркин, ҳуқуқий, демократик давлат барпо этяпмиз, деди Президент. Мамлакатимизда давлат қурилиши, сиёсат, иқтисодиёт, маънавият соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар ана шу эзгу мақсадни рўёбга чиқаришга қаратилган. Бу олий мақсадга эришишда халқнинг ҳуқуқий жиҳатдан билимли бўлиши, жамиятнинг сиёсий фаоллиги, демократик тамойилларнинг кишилар онгига теран сингиб бориши муҳим аҳамият касб этади. Бизнинг қонунларимиз одамлар онгида ана шу тушунчаларни шакллантиришга хизмат қилиши даркор. Бу эса ҳуқуқ-тартибот идоралари, шу соҳа ўқув юртлари, ҳуқуқшунос олимлар олдида турган долзарб вазифадир.

Хўш, бу вазифа бугунги кунда қай даражада ҳал этилмоқда?

Унинг долзарблиги нималарда намоён бўлади?

Ўзбекистон XX асрнинг охирги ўн йиллигида мустақилликка эришиб, ўзига хос ва мос тараққиёт йўлини танлаб олди. **Бу йўлнинг моҳияти бозор муносабатларига асосланган эркин фуқаролар жамиятини қуриш, халқимизга муносиб турмуш шароити яратиб беришдан иборатдир**. Мана шу мақсадимиз қабул қилинаётган фармонлар, ҳукумат қарорлари, қонунлар орқали одамларга етиб боряптими, халқимиз ислоҳотларнинг моҳиятини теран тушуниб етяптими, масаланинг муҳим жиҳатларидан бири ана шу саволларга жавоб топишдан иборат.

Бунга эришиш учун қандай шартларга амал қилишимиз, ҳаракатимиз замирида қандай асослар бўлиши керак? Бунда, биринчидан, жамиятнинг сиёсий фаоллигини ошириш тақозо этилади. Токи, одамлар ислоҳотларга қизиқишини намоён эта олсин. **Унинг кузатувчиси ёки иштирокчиси эмас, балки бевосита ижрочиси сифатида юқоридаги олий мақсадни англаб етсин.** Зеро, биздан озод ва обод ватан қолсин, деган шиоримиз одамларнинг онгига теран сингиб борса, улар танлаган йўлимизни чин юракдан қўллаб-қувватласагина, саъй-ҳаракатларимиз кутилган самарани бериши мумкин, деди Ислом Каримов.

Бунга қандай эришилади, аввало, аҳолига чуқур ҳуқуқий билим беришни йўлга қўйиш, бу орқали ҳуқуқий маданиятнинг юксалишига эришиш, бошқача айтганда, том маънодаги ҳуқуқий онгни шакллантириш талаб этилади. Бу жамиятнинг тўғри, демок-

(Давоми 2-бетда).

XII ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА



Муҳтарам кино санъати арбоблари!

Қадрли дўстлар!

Сизларни, турли қитъалар ва мамлакатлардан келган кино ижодкорларини, қадимий ўзбек заминида илм-маърифат, санъат ва маданиятга азал-азалдан эътиқоди баланд халқимиз ва шахсан ўз номимдан муборакбод этишдан ғоят мамнунман.

Тошкент киноанжуманининг «Умуминсоний қадриятлар ва миллий тараққиёт» шиори остида ўтиши бежиз эмас. Бу мустақил Ўзбекистон диёридаги кино байрамига янгича руҳ ва янгича мазмун бахш этиши шубҳасиздир.

Ўзаро ҳамжиҳатлик, тинчлик, дўстлик, ҳамкорлик каби умумбашарий қадриятлар устивор бўлсагина, ҳар бир халқ, ҳар бир миллат фаровон яшаши, одил ва демократик жамият қуриши мумкин.

Тошкент киноанжумани инсонлар қалбига ёруғ орзулар бахш этишига, эрк, озодлик, тинчлик, ҳамжиҳатлик, дўстлик ва биродарлик ғояларини сингдиришга, мамлакатлар ва халқларнинг маданиятини ўзаро боғлашга, яқинлаштиришга, ер юзида ўзаро ишонч ва ҳурматни мустаҳкамлашга хизмат қилади, деб ишонаман.

Сизларни серқуёш Ўзбекистон тупроғида яна бир бор самимий қутлайман ва кинофестивалингиз ишига муваффақият тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

МАРҲАБО, ФЕСТИВАЛЬ!

Мустақиллик боис кўрк ва таровoт касб этиб бораётган ватанимиз пойтахти кўплаб халқаро анжуманлар ўтказиладиган марказга айланиб бормоқда.

22 май куни Халқлар дўстлиги саройи республика жамоатчилиги вакиллари, маданият ва санъат намояндалари, кино мухлислари билан гавжум бўлди. Саройга Тошкентда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус, халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари ҳам ташриф буюрдилар. Бу ерда XII Тошкент халқаро кинофестивалининг тантанали очилиш маросими бўлди.

Шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов тантанали йиғилишни очар экан, ташкилий қўмита номидан фестиваль иштирокчилари ва меҳмонларини Тошкент заминида муборакбод этди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг фестиваль қатнашчиларига йўллаган табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Ўткир Раҳматов ўқиб эшиттирди. ЮНЕСКО Бош директори Федерико Майор табригини мазкур халқаро ташкилотнинг Ўзбекистондаги вакили Берри Лейн ўқиб берди.

...Йиғилганларнинг қизғин олқишлари остида анжуман байроғи кўтарилади. Муҳташам зал бўйлаб фестиваль мадҳияси янграйди.

Машҳур адиб, мазкур киноанжуман танлов ҳайъати раиси Чингиз Айтматов йиғилганларни самимий қутлаб, ҳайъат аъзолари билан таништирди. Улар орасида жаҳоннинг турли мамлакатлари вакиллари — киноюлдузлар, режиссёрлар, мутахассислар бор.

Бу галги киноанжуман санъаткорларнинг чин маънодаги очиқ кўриги ва мусобақасидир. Шу боис, фестиваль ғолиблари учун таъсис этилган салмоқли совринлар кеча қатнашчиларига намойиш этилди...

Тошкент кинофестивали «Умуминсоний қадриятлар ва миллий тараққиёт» шиори остида ўтаётганида теран рамзий маъно бор. Зеро, умуминсоний қадриятлар турли эл ва элатларнинг эзгу тилакларини, интилишларини ўзида мужассам этса, юксак миллий тараққиёт барча халқларнинг азалий орзусини ифодалайди. Фестиваль дастури доирасида намойиш этиладиган фильмларда бу ёрқин ҳақиқат яна бир карра намоён бўлса ажаб эмас. Шу маънода, Тошкент кинофестивалининг аҳамияти, унинг халқлар ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаш борасидаги ўрни беқиёсдир. Фестиваль фильмлари кино мухлислари қалбида ўчмас таассурот қолдиради деб умид қиламиз.

Тошкент кинофестивалида жаҳоннинг 32 мамлакати ҳамда саккиз халқаро ташкилотдан кино ва санъат арбоблари, олим ва мутахассислар иштирок этмоқда. Нуфузли фестиваль ҳайъати расмий танловга қўйилган фильмларни Киночилар уйида кўрикдан ўтказиб баҳолайди. Фестиваль кунлари «Кино бозори» ишлаб туради. Анжуманга тахт қилиб қўйилган пойтахтимиздаги олти кинотеатрда фестиваль фильмлари томошабинлар ҳукмига ҳавола этилади.

Шуниси қувончлики, фестиваль қатнашчилари мустақиллик йилларида Ўзбекистон эришган ютуқлар, меҳмондўст ва бағри кенг халқимиз билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўладилар. Меҳнат жамоаларида, илм даргоҳларида, ижодий уюшмаларда кино юлдузлари, анжуман меҳмонлари билан учрашувлар бўлиб ўтади. Кино санъатини янада ривожлантириш борасида мутахассислар тажриба алмашадилар, бир-бирларининг эришган ютуқларидан баҳраманд бўладилар.

Фестивалнинг очилиш маросимида Ўзбекистон санъат усталари ва ижрочи ёшларининг катта концерти намойиш этилди.

Маросимда республика Бош вазири ўринбосари Алишер Азизхўжаев қатнашди.

(ЎзА).

XII Тошкент Халқаро кинофестивали иштирокчилари жойлашган «Ўзбекистон» меҳмонхонаси.

С.ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат.

ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИДА

БАРКАМОЛ ИНСОННИ ТАРБИЯЛАШ ЙЎЛИДА

ИЛГАРИ хабар берганимиздек, 22 май куни вилоят ҳокимлигида «Давлат, жамият, оила ва ёшлар тарбияси муаммолари» мавзуига бағишланган конференция бўлиб ўтди.

Анжуманда вилоят ҳокимлиги бўлим бошқармалари бошлиқлари, шаҳар ва туманлар ҳокимлари муовинлари, хотин-қизлар қўмиталари раислари, олий ўқув юртлари, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, аҳолини иш билан таъминлаш тизими раҳбарлари, «Маҳалла», «Соғлом авлод учун», «Нуроний», «Камолот» жамғармалари вилоят, шаҳар ҳамда туман бўлимлари раислари иштирок этдилар.

Конференцияни вилоят ҳокими Эркин Рўзиев бошқарди.

Конференцияда кун тартибидаги масала юзасидан вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси, вилоят ҳокими муовини С. Хўжаева маъруза қилди.

Нотиқ вилоятда ёшлар тарбиясини яхшилаш юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирар экан, энг аввало, тарбия масаласига оилада жиддий эътибор бериш зарурлиги, маҳалла, мактаб, жамоат ташкилотлари бу ишни ҳамкорликда олиб боришлари лозимлигини таъкидлади.

Конференцияда «Камолот» жамғармаси вилоят бўлими раиси Ё. Турсунов, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи О. Тожиев, вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғининг муовини Ш. Расулов, вилоят меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бошқармаси бошлиғи Т. Холбоев, «Ташкентская правда» газетаси бош муҳаррири А. Хўжаев сўзга чиқдилар.

Улар ўз нутқларида тарбия ишини юқори поғонага кўтариш, мустақил республикамизнинг янгича тафаккурдаги баркамол авлодини вояга етказиш, иқтидорли ёшларга чуқур билим бериш йўлида олимлар, мутахассислар билан ҳамкорликда иш олиб бориш муаммолари юзасидан мулоҳазаларини баён этдилар.

Конференцияда кўрилган масала юзасидан аниқ тавсиялар қабул қилинди.

Конференцияда республика Президенти девони масъул ходими А. Маматов сўзга чиқди.

ҲАММАМИЗНИНГ ИШИМИЗ

Тасаввур қилинг, ҳали балоғат ёшига етмаган ўсмир ёки қизча жиноятга қўл урди. Эътиборсизлик оқибатида бола оиласидан ажралди, қаровсиз қолди. Ҳар иккала ҳолат ҳам кишида нохуш кайфият уйғотади. Шунинг учун ҳам бундай ҳолларнинг бўлмаслиги учун курашиш, ёшлар тарбияси билан жиддий шуғулланиш, оилани давлат ва жамиятнинг мустаҳкам таянчига айлантириш нафақат ижтимоий, балки, сиёсий аҳамиятга молик масаладир.

22 май куни вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиясининг кенгайтирилган мажлисида бугун долзарб бўлиб турган ана шу муаммолар чуқур муҳокама этилди.

Йиғилишни вилоят хотин-қизлар қўмитасининг раиси, вилоят ҳокимининг муовини, комиссия раиси Сайёра Хўжаева бошқарди.

Йиғилишда «Вилоятда вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиялари фаолиятини текшириш натижалари ва улар олдида турган вазифалар ҳақида» вилоят прокурорининг ёрдамчиси Роза Бобоева, «Вояга етмаганлар орасида жиноятчиликнинг аҳволи ва мутасадди ташкилотларнинг вазифалари ҳақида» вилоят ички ишлар бошқармаси вояга етмаганлар билан ишлаш инспекцияси бошлиғи Абдураззоқ Одилов маъруза қилдилар.

Йиғилишда кун тартибидаги масалалар чуқур таҳлил этилар экан, вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияларининг ишини жонлантириш, бу ишга ёшлар, фахрийлар ва маҳалла жамоатчилигини кенг жалб этиш, ҳамкорликни кучайтириш тўғрисида таклиф-мулоҳазалар билдирилди.

Мажлисда вилоят вояга етмаган ёшлар иши билан шуғулланувчи комиссиянинг янги таркиби тасдиқланди. Кўрилган масалалар юзасидан тегишли тадбирлар белгиланди.

Шунингдек мажлисда республика болалар фонди бошқарувининг аъзоси, профессор Ҳатима Шайхова «Болалар ҳуқуқи» конвенцияси» ҳақида қизиқарли маъруза қилди.

Хушхабарлар, янгиликлар, воқеалар

ВИЛОЯТДА БИРИНЧИ

ЯНГИЙЎЛ тумани пиллакорларининг қурт боқиш мавсумига жиддий тайёргарлик кўрганликлари ўзининг дастлабки самарасини берди. Куни кеча «Тинчлик» жамоа хўжалигининг «кумуш тола» миришкорлари катта ютуқни қўлга киритдилар. Хўжалик пиллакорлари йиллик режани вилоятда биринчи бўлиб муваффақиятли адо этдилар. Давлатга 16 тонна сифатли ҳосил етказиб берилди.

Бу ҳақда таҳририятга қўнғироқ қилган туман ҳокими Йўлдош Тожибоев хурсандчилигини яширмади.

— «Тинчлик»чиларга раҳмат! Улар режага қўшимча яна уч тонна пилла етказиб беришга аҳд қилдилар, — деди у, — А. Мансуров, Х. Юсупова, М. Саримсоқова, М. Қорахонов каби илғорлар астойдил меҳнат қилдилар. Улар бир қути қурт уруғидан 90 килограммдан 120 килограммгача етказиб ҳосил кўтардилар. Пилла топшириш қизғин паллага кирди. А. Ортиқов номли, «Қовунчи», «Дўстлик», «Ниёзбош», Н. Ниёзов номли хўжаликлар ҳам ғалаба маррасига яқинлашмоқдалар. Бу йил туман бўйича 100 тоннага яқин пилла топширилади. Ҳозир режа бажарилиши олтмиш фоиздан ошди.

Абдураҳим УМАРБЕКОВ.

СУРАТДА: «Тинчлик»нинг илғор пиллакори Ҳабиба Юсупова ва хўжалик касаба уюшмаси раиси Фарҳод Файзиевлар ҳосил сифатини текширмоқдалар.

А. МАЛЬЦЕВ олган сурат.

ЖАМОА ИХТИЁРИДА ҚОЛДИРИЛДИ

КЎМИРНИ ер остида газга айлантириб, Ангрен давлат иссиқлик электр станциясига етказиб берувчи корхона майдонларини ишлаб чиқариш чиқиндиларидан тозалаш ишларига тобора катта эътибор берилмоқда. Ҳозиргача ўн икки гектардан ортиқ ер майдони қайта тикланди.

Корхона жамоасининг бу хайрли иши, аввало, унинг ўзига наф келтирмоқда. Ангрен шаҳар ҳокимлиги бу ер майдонини кончилар ихтиёрида қолдириш ҳақида қарор чиқарди. У корхонанинг ёрдамчи «Қуролота» фермер хўжалигига қўшиб олинди. Бу ерда турли қишлоқ хўжалик экинлари экилди. Маҳсулотлар арзон нархларда ишчи-хизматчилар дастурхонига етказиб берилади. Майдоннинг бир қисмидан чорва фермасидаги молларни боқиш учун яйлов сифатида фойдаланилади, бошқа зарур ем-хашаклар етиштирилади.

Собир МАҲМУДОВ.

ПОЙТАХТГА САФАР

ЯНГИЙЎЛ шаҳар ҳокимлиги республикамиз Президентининг «Маънавият ва маърифат жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Фармонини бажариш борасида қатор амалий тадбирлар кўрмоқда. Чунончи, яқинда шаҳардаги корхона ва ташкилот вакиллари, меҳнат фахрийлари, ишлаб чиқариш илғорлари, шунингдек, ўқувчилар ва бошқа соҳа вакиллари иштирокида Тошкентга саёҳат уюштирилди. Янгийўлликлар сафар давомида Халқлар Дўстлиги саройида бўлган Ўзбекистон халқ артисти Комилжон Отаниёзовнинг хотира кечасига бағишланган томошада ҳам қатнашдилар.

Бу сафар учун шаҳар ҳокимлиги 12 минг сўм маблағ ажратди.

Комила ТЕМИРОВА.

ЮКСАК ҲУҚУҚИЙ ТАФАККУР — ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ТАҚОЗОСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

ратик йўлдан ривожланиши учун зарурдир. Чунки ҳуқуқий тафаккур шаклланмаса, турли хил номутаносибликлар келиб чиқади. Бунга 90-йиллар бошида мамлакатимизда рўй берган вазиятни мисол келтиришимиз мумкин. Шундай экан, юксак ҳуқуқий тафаккур, ҳуқуқ устуворлиги нафақат бугунги жамиятимиз учун, балки биздан кейин келадиган авлодлар учун ҳам зарурдир.

Мамлакатда адолат тамойиллари амал қилиши, барқарорлик ҳукм суриши учун **уч субъектнинг, яъни давлат, жамият ва фуқароларнинг ўзаро муносабатларидаги қонунийлик асос бўлади. Бошқача айтганда ана шу уч субъект — давлат, жамият ва инсон муносабатларида уйғунликка, уларнинг манфаатлари бир-бирига мос келишига эришилсагина, ота-боболаримиз орзу қилган адолатли жамият барпо бўлади.** Улар бир-бирининг ҳуқуқини яхши билиши ва ҳурмат қилиши осойишталик ва фаровонликнинг зарур шарти ва муҳим омилидир.

Шўро замонида давлат ўз ҳуқуқини яхши билган ва манфаатларини мустаҳкам ҳимоя қилган, давлат манфаатлари жамият ва инсон манфаатларидан доимо юқори қўйилган. Бизнинг Конституциямизнинг ўзига хос жиҳати, эски қонунлардан фарқи шундаки, унда инсон ҳуқуқини таъминлаш устувор йўналиш қилиб белгиланган. Лекин кўпгина одамлар ўша эски мафкура асоратларидан жуда секинлик билан халос бўлмоқда. Бу, афсуски, ҳуқуқ-тартибот соҳасида ишлаётган ходимларга ҳам тегишлидир. Чунки улар ҳам ўша эски мафкура асосида, ўша замон олий ўқув юртларида таълим олган, тарбияланган. Бунда уларни маълум маънода, айблаб бўлмайди, аммо янги тафаккурнинг улар онгига ғоят секин сингиши, дунёқарашлари кескин ўзгармаётганини айтиб ўтишга тўғри келади.

Жамият ҳуқуқи масаласига келсак, мамлакатимизда уни шакллантириш ва рўёбга чиқариш борасида жиддий ишлар қилинди, деди давлатимиз раҳбари. Бир неча сиёсий партия ва ҳаракатлар, кўплаб жамоат ташкилотлари, маҳаллалардаги ўз-ўзини бошқариш органлари самарали фаолият кўрсатмоқда. Жамиятимизда кўп партиялилик қарор топди, сўнгги парламент сайловлари шу асосда ўтказилди. Буларнинг барчаси жамият ҳуқуқи пухта ҳимоя қилинаётганининг далилидир.

Учинчи, таъбир жоиз бўлса, энг муҳим субъект — инсоннинг ҳуқуқини таъминлаш бутун дунёда долзарб ва мураккаб муаммо, ҳар бир давлатнинг муқаддас вазифаси бўлиб келган. Чунки инсон ҳуқуқи тушунчаси жуда кенг бўлиб, унга нисбатан қарашлар ҳам хилма-хилдир.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда бу борада ҳам жаҳон тажрибасига таянган ҳолда кўп ишлар амалга оширилди. Зарур қонунчилик ҳужжатлари, хусусан, Фуқаролик процессуал ва Жиноят процессуал кодекслари қабул қилинди. Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Миллий маркази, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти каби ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда. Эндиги вазифа ана шу қонунлар моҳиятини аҳоли кенг қатламларига етиб боришига ва мазкур ташкилотлар таъсирини ҳар бир фуқаро сезишига, ҳис этишига эришишдан иборатдир. **Ўзбекистон инсон ҳуқуқини таъминлаш борасида дунёда ҳеч бир мамлакатдан кам бўлмаслиги керак.** Бунинг ҳам сиёсий, ҳам инсоний жиҳатдан нечоғлик аҳамиятга эга эканини изоҳлаб ўтиришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман.

Бу масаланинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, инсон ҳуқуқини ҳимоя қилиш демократиянинг асоси ҳисобланади. Бизга демократияни ўргатишга интилувчилар кўп бўлди. Улар орасида ўзимиздан чиққанлар ҳам бор эди. Лекин биз бу борада ҳам ўзимизга хос йўлдан бордик. Яъни, **биз демократиянинг умумий тамойилларига қатъий амал қиламиз. Айни чоғда жамиятни демократиялаштиришда халқимизнинг ўзига хослигини, миллий тафаккурни инобатга олмоғимиз даркор**. Эркин демократик жамиятга босқичма-босқич ўтиш орқали борамиз. Ҳеч бир мамлакатда демократия бир кунда қарор топган эмас. Биз улар босиб ўтган ўн йилликларни балки тезроқ босиб ўтармиз. Лекин бу ишда ҳеч кимдан, ҳатто демократия энг ривожланган мамлакатлардан ҳам нусха кўчириб бўлмайди,дея таъкидлади юртбошимиз. Шошма-шошарлик эса демократик тамойилларнинг обрўсини тушириб қўйиши, мутлақо тескари натижалар бериши мумкин. Буни айрим қўшни давлатлардаги вазият, хусусан, қуролли можаролар, одамларнинг бир неча ойлаб маош олмаслиги каби ҳолатлар кўрсатиб турибди. Бунинг асосий сабаби эса ҳуқуқий тафаккурнинг етишмаслигидир. Биз эса демократик тамойилларнинг одамлар онгига сингиб боришига, ҳуқуқ ҳаётимизнинг ажралмас қисми бўлишига эришмоғимиз даркор. Қонунларнинг вазифаси мана шулардан иборатдир.

Бунинг учун эса қуйидаги жиҳатларга аҳамият бермоқ лозим. Биринчидан, халқимиз Президент, Олий Мажлис, ҳукумат қандай фармон, қонун, қарор қабул қиляпти, бундан тўла хабардор бўлиши керак. Иккинчидан, айниқса инсон ҳуқуқига дахлдор ҳужжатларни ҳар бир одам юрагидан ўтказиши, бу қонунлар унинг ҳаётига қандай таъсир қилишини англаб етмоғи лозим. Учинчидан, тайёрланаётган қонунлардан ҳам аҳоли хабардор бўлиши, яъни уларнинг қандай ишланаётгани жамият назоратида туриши зарур. Энг муҳими, давлат бошқарувида, қонунларни ишлаб чиқишда фуқароларнинг кенг иштирок этишига эришиш даркор. Шунда қонунларимиз инсон ҳуқуқини таъминлашга, бошқача айтганда, халқимиз манфаатларига хизмат қилади.

Бу борада матбуот, радио ва телевидение кўп иш қилиши керак. Токи қонунлардан, амалий ишлардан аҳоли ўз вақтида хабардор бўлсин. Муҳим қонун ҳужжатларини алоҳида китобчалар ҳолида нашр этиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Чунки улар фақат мутахассисларга эмас, барчага етиб бориши лозим.

Ҳар бир ишнинг муваффақияти кадрларга боғлиқлиги сир эмас, деди Ислом Каримов. Шунинг учун малакали кадрлар тайёрлаш масаласига жиддий эътибор бермоқ зарур. Лекин ҳозирги юридик олий ўқув юртларида ёшларга таълим бераётган профессор ва ўқитувчиларимизнинг ўзи эски замон дастурларида ўқиган бўлса нима қилмоқ керак? Улар ҳамон ўша дастур ва дарсликлар асосида сабоқ берса, ёшларимизни қандай қилиб замон талабларига мос мутахассис этиб тарбиялаш мумкин? Демоқчиманки, эски дастур ва дарсликлар ўрнига янгиларини яратиш шарт. Тўғри, бу ишлар бошланган, лекин уларни тезлаштириш лозим. Зарур бўлса чет эл мутахассисларини таклиф этиш керак. Бу тажриба жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида яхши самара беряпти-ку. Хуллас, эски пойдевор, замин асосида малакали юристлар тайёрлаб бўлмаслигини англаш вақти аллақачон етган.

Мухтасар айтганда, **халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилиши лозим, деди Президент. Зеро, мустақиллик сўзининг замирида ҳам катта, улуғ ҳуқуққа эга бўлиш деган тушунча ётади.** Яъни, мустақиллик нафақат ўзини эркин сезиш, ўз ҳаётини қуриш, балки ўз ҳаёт-мамотини ҳал этишда катта ҳуқуққа эгалик ҳам демакдир, деб қайд этди юртбошимиз.

Мулоқот чоғида ҳаётимизнинг барча соҳаларида қонун устуворлигига эришиш, давлат, жамият ва фуқаро манфаатлари уйғунлигини таъминлаш борасида ҳуқуқ-тартибот идоралари, шу соҳа ўқув юртлари, жамоат ташкилотлари олдида турган вазифалар атрофлича муҳокама этилди. Президент уларни бажариш юзасидан мутасадди раҳбарларга аниқ топшириқлар берди. Давлатга қарашли бўлмаган аҳоли ижтимоий фикрини ўрганиш марказини, вилоят ва туманларда унинг бўлимларини Адлия вазирлиги қошида ҳуқуқий маърифат тарғиботи марказини ташкил этиш, уларни замонавий жиҳозлар ва юксак малакали, маърифатли мутахассислар билан таъминлаш шулар жумласидандир. Шунингдек, Адлия вазирлиги қошида ҳуқуқшунос мутахассислар замонавий таълим бериш маркази, аҳоли мурожаатлари билан шуғулланадиган махсус бўлим ташкил этилади. Аҳоли ҳуқуқий тафаккурини юксалтириш бўйича давлат дастури ишлаб чиқиш лозим топилди.

Республика Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, адлия вазири С. Мирсафоев, инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Миллий маркази директори А. Саидов, Конституциявий суд раиси Б. Эшонов, Тошкент юридик институти ректори Ҳ. Бобоев ва бошқалар муҳокама этилган масалалар юзасидан фикр-мулоҳаза билдирдилар.

Учрашувда Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Б. Ғуломов, Т. Орипов, Бош вазир ўринбосари А. Азизхўжаев, Президентнинг Матбуот котиби М. Муҳаммад Дўст, Президент девони Ахборот маркази раҳбари А. Кўчимов иштирок этди.

Аҳмад ХЎЖА,
(ЎзА).

ҲАМКОРЛИК РОБИТАЛАРИ

ИҚТИСОДИЁТИМИЗГА САРМОЯ

Ўзбекистон иқтисодиётининг қайси тармоғига сармоя ётқизиш кўпроқ фойда беради, қўшма корхона барпо этиш учун ишончли шерикни қаердан топса бўлади? Тошкент инновация ва менежмент марказида бўлиб ўтган учрашув ана шу саволларга жавоб излашга бағишланди. Учрашувни давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг кўчмас мулк ва сармоя бўйича агентлиги ҳамда Ўзбекистон ва Туркия тадбиркорлар уюшмаси ташкил қилди.

Учрашувда қатнашган турк тадбиркорлари агентликнинг доимий ҳамкори бўлиш истагини билдирдилар. Агентлик ана шу соҳаларда мавжуд бўлган барча истиқлолли сармоя лойиҳалари тўғрисида уларни хабардор қилиб туришни ўз зиммасига олади. Хусусан, кўчмас мулк ва сармоя агентлиги ҳамда Малайзиянинг бир қанча фирмалари ўртасида Тошкент вилоятида республикамиз учун янги тузилма—технопарк барпо этиш тўғрисида имзоланган шартноманинг амалга оширилиши ана шундай маълумотлар банкини шакллантиришга ёрдам беради. Технопарк учун ажратилган ишлаб чиқариш майдонларида етакчи олимлар ёрдамида фан билан боғлиқ бўлган янги технологиялар ишлаб чиқилмоқда ва синаб кўрилмоқда.

ЯНГИ КЕНГАШ ТУЗИЛДИ

Тошкентда Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгашининг таъсис мажлиси бўлди.

Мажлисда сўзга чиққанлар ҳозирги босқичда республикамизнинг хорижий мамлакатлар, ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро ташкилотлар билан маданий-маърифий алоқаларини янада ривожлантириш ғоят муҳимлигини таъкидладилар. Янги ташкилот халқ дипломатиясини ривожлантириш, чет эл мамлакатлари халқлари ва хорижда яшаётган ватандошларимиз билан дўстлик алоқаларини ривожлантиришга ёрдам беради. Дунё аҳлини Ўзбекистон халқлари тарихи, маданияти, урф-одатлари, унинг илмий ва иқтисодий салоҳияти билан чуқурроқ таништиришга кўмаклашади. БМТ, ЮНЕСКО ва бошқа халқаро ташкилотлар ҳамда хорижий мамлакатлар билан маданий-маърифий масалалар юзасидан кенг алоқалар ўрнатишга имкон яратади.

Мажлисда кенгаш низоми қабул қилинди, унинг раҳбар органлари сайланди.

«БИЗНЕС-ФОНД»

КРЕДИТЛАР САМАРАСИНИ ОШИРАЙЛИК

БУТУН мамлакатимиздаги каби пойтахт вилоятимизда ҳам иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёни тўхтовсиз давом этмоқда. Айниқса, хусусий ва кичик бизнесни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш, уларга ёрдам кўрсатишни ҳар томонлама кучайтириш, самарали фаолият олиб боришлари учун қулай шароитларни яратиб беришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Шу туфайли қўшма ва кичик корхоналар, деҳқон-фермер хўжаликлари каби мулкчиликнинг янги-янги шакллари таркиб топиб, кўпаймоқда. Иқтисодиётда мулкчиликнинг бундай нодавлат шакллари ўз мавқеларини тобора мустаҳкамлаб бормоқдалар. Саноат ишлаб чиқаришда у 52 фоизни ташкил этаётган бўлса, қишлоқ хўжалигида 96 фоизни, савдо, маиший хизмат кўрсатиш соҳаларида бундан ортиқроқ фоизни ташкил этмоқда.

Бунда республика «Бизнес-фонд» ва «Ўзтадбиркорбанк»нинг вилоят бошқармалари, «Мадад» суғурта агентлигининг вилоят филиалининг ҳам муносиб ҳиссалари бор. Улар тадбиркорлик тизимларининг оёққа туриши ва иши юриб кетишига салмоқли ёрдам бермоқдалар. Шуни айтиш кифояки, вилоят «Бизнес-фонд» бошқармаси 1995 — 1997 йилларда тадбиркорларга 180 миллион сўмликдан кўпроқ кредит берди. Бу сармоядан 78 тадбиркорлик тизимлари фойландилар. Уларнинг айримлари имтиёзли кредитлар олишди.

Бу маблағдан самарали ва аниқ мақсадни кўзлаб фойдаланган ишбилармонлар ўз ишлаб чиқаришларини пухта барпо этиб, ривожланиш йўлидан шаҳдам одимлар билан бормоқдалар. Вилоятимизда ўнлаб шундай тадбиркорлик тизимларини мисол тариқасида келтириш мумкин. Масалан, Зангиота туманидаги «Файз» ишлаб чиқариш фирмаси, Пскент туманидаги «Шуҳрат ЛТД» кичик илмий-ишлаб чиқариш корхонаси, Оққўрғон туманидаги «Хонтемир» ва «Абдулла» деҳқон-фермер хўжаликлари, Чиноз туманидаги «Муқимий» фермер-хўжалиги ва бошқалар шулар жумласидандир.

Лекин, айни вақтда берилган кредитлардан шартномада писанда қилинган мақсадларда фойдаланмаслик, бошқа соҳаларга сарфлаб юбориш, бу ишда ўзбошимчалик қилиб, белгиланган қонун-тартиб талабларини қўпол равишда бузиш, кредитларни ва уларнинг фоизларини ўз вақтида қайтармаслик ва бошқа шу каби нуқсонлар содир бўляпти. Айрим тадбиркорлик тизимлари ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлмоқда. Бу ҳоллар катта ташвиш туғдирмоқда.

«Бизнес-фонд» ва «Ўзтадбиркорбанк»нинг вилоят бошқармалари, «Мадад» суғурта агентлигининг вилоят филиали яқинда уюштирган ишчи семинар-кенгаши юқоридаги ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 28 февралидаги «Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг 1996 йил якунлари ва 1997 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устивор йўналишлари тўғрисида»ги қарори ва жорий йил 27 мартидаги 118—Ф Фармойишини амалга ошириш бўйича вазифалар муҳокама қилинди.

Семинарда вилоят бошқармалари раҳбарлари, шаҳар ва туманлар ҳокимларининг муовинлари, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, «Тадбиркорбанк» бўлими бошқарувчилари, республика «Бизнес-фонд» раҳбарлари, шаҳар ва туманлардаги «Бизнес-фонд» бўлимлари ходимлари, тадбиркорлар ва қатор мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирок этдилар.

Кенгашни вилоят давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи, вилоят ҳокимининг муовини А. Раҳимов олиб борди. Семинар иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси «Бизнес-фонд» ҳиссадорлик жамиятининг раиси А. Юсупов, вилоят товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раисининг ўринбосари И. Маликов, вилоят «Камолот» жамғармаси раиси Ё. Турсунов, кўчмас мулк биржаси вилоят филиали бошлиғи А. Отахўжаевларнинг мавзу юзасидан чиқишларини тингладилар.

Кенгашда сўзга чиққан айрим фермер хўжаликлари, хусусий ва кичик корхоналар раҳбарлари «Бизнес-фонд»дан олган кредитларидан қандай фойдаланаётганлари, умуман тадбиркорликни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган қатор камчиликлар ҳақида фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар. Айни вақтда улар айрим муаммоларни ҳал қилиш билан боғлиқ бўлган қийинчиликлар ҳақида тўхталдилар.

— «Бизнес-фонд»дан олган кредит чорвачилик фермасини барпо этиш ва уни ривожлантиришда жуда қўл келди, — деди ўз сўзида Оққўрғон туманидаги «Хонтемир» деҳқон-фермер хўжалиги раҳбари Маҳкам Саурбоев. — Жорий йил бошида яна 2,5 миллион сўм кредит беришди. Бу маблағни фермани кенгайтиришга сарфлаяпмиз. Қисқаси, кредитлардан оқилона фойдаланиш яхши натижаларга олиб келмоқда. Лекин, мен бу ерда бир масалани кўтармоқчиман. У ҳам бўлса фермадаги молларни суғурта қилиш масаласидир. Суғурта ташкилотлари ходимлари деҳқон-фермер хўжаликларида чорвани суғурта қилиш ҳақида кўрсатма йўқ дейишяпти. Ҳақиқатан ҳам шундай бўлса уни нотўғри деб ҳисоблаймиз. Деҳқон-фермер хўжаликларининг чорвасини суғурта қилиш тартибини жорий қилиш лозим. Биз суғурта ҳақини тўлашдан қочмаймиз.

— Фирмамиз симдан тўқилган идишлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган, — дейди «Бизнес-фонд»дан кредит олиб Чирчиқда ташкил этилган «Икар» фирмаси раҳбари Б. Ли. — Бундай идишлар республикамиз шароитида жуда зарур, чунки бизда тахта-ёғоч камчил, бунинг устига четдан келтириш жуда қимматга тушади. Биз чиқараётган идишларни юк турига қараб исталган ўлчамда чиқариш мумкин. Бунинг устига улардан узоқ муддат қайта-қайта фойдаланса бўлади. Идишларимизнинг вазни ҳам ёғочтахтадан тайёрланганларига нисбатан енгил. Мана бир мисол. Нонни ташишда ишлатиладиган тагликлар вазни 3,7 килограмм бўлса тўқилган тагликлар бор-йўғи 1,2 килограммдир. Ҳадемай пишиқчилик бошланиб, бундай идишларга талаб кескин ортади. Қўлимизни ушлаётган нарса материал — симнинг йўқлигидир. Шу масалада ёрдам беришингизни сўраймиз.

Семинар-кенгашда муҳокама қилинган масала юзасидан чора-тадбирлар белгиланди.

Семинар-кенгаш ишида вилоят ҳокимининг муовини Б. Ҳосилов қатнашди.

«Ўзбектуризм» миллий компанияси мажлислар залида матбуот конференцияси пайти.

Р.ШАГАЕВ (ЎзА) олган сурат.

НИМА? ҚАЧОН? ҚАЕРДА?

ФЕСТИВАЛНИНГ танлов асосидаги фильмлари киночилар уйида намойиш этилса, намойиш тарзида кўрсатишга танлаб олинган асарлар Ўзбекистон пойтахтининг энг яхши 6 та кино залларида бўлиб ўтади.

Алишер Навоий номидаги Санъат саройининг хоналари, майдончалари, томоша заллари ажойиб қилиб безатилган. Бу ишларни Ўзбек-Италия «Совпластитал» қўшма корхонаси мутахассислари амалга оширганлар. Улар шунингдек халқаро кино анжуманнинг ҳомийларидан бири саналишади. «Ватан», «Дўстлик», Гагарин, «Қозоғистон» ва «Нукус» кинотеатрлари ҳам байрамона қиёфа касб этган.

Фильмларни томоша қилиш учун сотиладиган абонементларнинг тўла нархи — 350 сўм.

22 майдан 28 майга қадар Санъат саройида томошабоп фильмлар — «Рам ва Жани» (Ҳиндистон), «Севишганлар» (Туркия), «Ад» (Франция), «Шарқ ва Ғарб» (Япония), «Севги драмаси» (Ҳиндистон), «Қасос» (Малайзия), «Саргам» (Покистон), «Орландо» (Буюк Британия), «Аквариум» (Польша), «Энг нафосатли» (Қозоғистон) каби кино усталари тақдим этган картиналарни томоша қилишлари мумкин.

Фильмлар сеанси 11, 15 ва 18.30 да бошланади.

25 ТИЛДА

ФЕСТИВАЛ кунлари жаҳоннинг 25 тилида мулоқотлар олиб борилади.

— Бу йилги кинокўрикка юздан зиёд малакали мутахассислар жалб этилди, — дейди таржимонлар хизматининг раҳбари Аббос Турсунович ИРИСҚУЛОВ, — улар амалда деярли барча бўғинлардаги иш кўламини таъмин этадилар, у ёки бу жиҳатдан хорижлик иштирокчи ёки меҳмонлар билан олиб бориладиган мулоқотларнинг барида улар бош-қош бўлишади. Уларнинг фаолияти дастурда кўзда тутилганидек — таржималар, кинообзор, симпозиумлар, баҳс-мунозаралар, матбуот маркази ишида иштирок этиш, шунингдек, кинотеатрларда фестивалнинг танлов кўригига саралаб олинган намойиш тарзидаги фильмлар ва картиналарни таржима қилишдан иборат бўлади. Барча кинотеатрларда, шу жумладан, Санъат саройи, «Дўстлик», «Нукус», «Ватан», Гагарин номли кинотеатрларда бизнинг вакилларимиз иш олиб боришади. Айниқса, таржимон-гид (йўлбошчи)лар фаолиятига эътиборингизни алоҳида жалб этмоқчиман. Уларнинг иш жадвали жуда тиғиз тузилган, улар деярли кун уззу-кун хорижлик кинематографчиларга ҳамроҳ бўлиб юришади. Бунда нафақат тил билишлари асқотади, балки меҳмонларни мустақил Ўзбекистонимиз эришган ютуқлари билан яқиндан таништиришда кенг кўламли ишларни бажариш ҳам улар зиммасида.

— Ҳарқалай, бу мулоқотлар қайси тилларда амалга оширилишини аниқлаштириб олмоқчи эдик?

— Ўзбек ва русчадан ташқари Марказий Осиё мамлакатлари — Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон халқларининг тилларида ҳам олиб борилади. Мулоқотлар инглиз, немис, француз, испан, италян, хитой, корейс, япон, араб, малайзия, бенгал, форс, дорий, урду, ҳинду, ассом тилларида олиб борилади, — деб давом этди А. Ирисқулов.

Таржимонлар хизмати раҳбари бу гапларни шунчаки айтгани йўқ. Фестивал даврида юзага келган мураккаб вазиятдан чиқишда уларнинг хизмати чиндан-да катта бўлди. Сир эмаски, аввалги кино анжуманларда катта тажрибага эга бўлган кўпгина мутахассислар бугунги кунда тижорий тизимларга ўтиб кетишган. Малакали таржимонларга эса талаб ниҳоятда ортиб бормоқда. Бу сафарги анжуманда иштирок этадиган таржимонлар умумий сонидан атиги 15-20 фоизгина бундан аввалги фестивалларда ишлашга муваффақ бўлишган. Ёш ўринбосарлар учун XII кино кўрик катта фаолият майдонини очмоқда. Улар ҳам анойи эмас, — деб ишонтирди А. Ирисқулов, — Ўзбекистонда ўтган қатор халқаро учрашувлар ва симпозиумларда улар иштирок этишиб, маҳоратларини чархлаб олишган.

Ҳаммамиз турли қитъа вакиллари билан бемалол таржимонларимиз орқали тиллаша олишимизга ийманимиз комил. Биз учун шунинг ўзи катта гап.

Кинофестивал қатнашчилари Алишер Навоий ёдгорлиги пойига гулчамбарлар қўйдилар.

С.ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат.

ТАНИШИНГ: ФЕСТИВАЛ ҚАТНАШЧИЛАРИ

Вадим ИЛЬЧЕНКО

ФЕСТИВАЛЬ фильмлари ичида украиналик киносанъаткор Вадим Ильченконинг «Гелли ва Нок» номли янги фильми ҳам бор.

Оператор ва режиссёр, Украинада хизмат кўрсатган санъат арбоби, Абхазияда хизмат кўрсатган санъат арбоби В. Г. Ильченко ВГИКнинг операторлик бўлимини тугатган. 1955 йилдан А. П. Довженко номли студияда ишлайди.

Оператор сифатида 31 та бадиий фильмни суратга олган бўлиб, улар орасида «Ҳарбий сир», «Олекса Довбуш», «Икки қуён ортидан», «Иван Купала байрами оқшоми», «Муҳаббатнома», «Ўша дарё ортида», «Мактаб» ва бошқалар бор.

Кейинги йилларда режиссёр ҳамда сценарийнавис сифатида ҳам ижод қилмоқда. «У ёқдагиларга етказ», «Сўнгги бункер», «Гелли ва Нок» фильмлари томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

КИМ ОШДИ САВДОСИГА МАРҲАМАТ!

КИМ ОШДИ САВДОСИ

Чиноз тумани ҳокимлиги биносида шу йил 4 июнь куни соат 11.00да ўтказилади.

Савдога қуйидагилар қўйилади:

Ер участкалари жойи	Ер участкалари сони	Бир дона ер участкасининг сатҳи. кв.м.	Бир дона ер участкасининг бошланғич нархи сўм
1.Олмазор қўрғони Гагарин кўчасидан	4	600.0	44640.0
2.Чиноз шаҳар М.Жўрабоева кўчасидан	5	600.0	54720.0

ТОШКЕНТ ШАҲАР ВА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Тошкент вилоятининг Бекобод, Ангрен, Олмалиқ шаҳарларида ва Гулбаҳор туман марказида янги рақамли телефон станциялар ишга туширилиши муносабати билан абонентлар янги станцияга ўтказилади ва телефон рақамлари қуйидагича бўлади:

Бекобод шаҳри

Эски рақам:	Янги рақам:
21000 — 25999	21000 — 25999
29000 — 29999	26000 — 29999

3-АТС абонентларининг телефон рақамлари ўзгармайди.

Ангрен шаҳри

Эски рақам:	Янги рақам:
22000 — 27999	22000 — 27999

3-АТС ва 5-АТС абонентларининг телефон рақамлари ўзгармайди.

Олмалиқ шаҳри

Эски рақами:	Янги рақам:
42000 — 44999	42000 — 44999
41000 — 41999	41000 — 41999
48100 — 48299	48100 — 48299

3-АТС абонентларининг телефон рақамлари ўзгармайди.

Гулбаҳор туман маркази

Эски рақам:	Янги рақам:
76000 — 76999	61000 —61999
77000 — 77099	62000 — 62099
77400 — 77999	62400 — 62999

Маълумот учун телефон: Тошкент шаҳрида 54-09-28,
Бекобод шаҳрида (8-291) 22-222
Ангрен шаҳрида (8-266) 22-222
Олмалиқ шаҳрида (8-262) 42—222
Гулбаҳор туман марказида (8-258) 61-222

ШАҲАРЛАРАРО АЛОҚА ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ДАВЛАТ ЭЛЕКТР АЛОҚА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ



ОЛАМ ҲАФТА ИЧИДА

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

● УШБУ ҳафтада «Ўзэкспомарказ»да «Нефт ва газ-97» халқаро кўргазмаси очилди ҳамда «Ўзбекистоннинг нефт-газ салоҳияти» мавзусида халқаро анжуман иш бошлади. Ушбу йирик тадбирларни «Ўзбекнефтгаз» корпорацияси, республика ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва Буюк Британиянинг «АТЕ» компанияси биргаликда ташкил этдилар.

● МУАССИСЛАРИ Голландиянинг АБА АМРО банки, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, Оврупо тараққиёт ва ривожланиш банки ҳамда Халқаро молия корпорацияси бўлган янги қўшма банк Тошкентда ўз фаолиятини бошлади.

● ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «Туркистон» саройида Марказий Осиё халқлари маданияти ассамблеяси ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан ташкил этилган «Мустақиллик — бахтимиз, толеимиз, камолимиз» шиори остида катта мушоира бўлиб ўтди.

● ҲИНДИСТОН Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси қошидаги маданий марказда ҳинд халқининг буюк фарзанди, машҳур адиб, Нобель мукофоти совриндори Рабиндранат Тагор таваллуди кунига бағишланган адабий кеча ўтказилди.

АЙТИЛГАН СЎЗ — ОТИЛГАН ЎҚ

ОДАМЛАР Заирни бежиз «Африка қитъасининг Афғонистони» деб айтмайдилар. Чунки, узоқ йиллардан буён бу мамлакат халқлари том маънодаги тинчлик, осойишталик нималигини билмайдилар. Унинг бошига тушган «савдо»ларнинг бошланиши 50-йилларнинг охирига бориб тақалади. Ўшанда Конго деб аталган бу давлат капиталистик олам билан социалистик олам ўртасидаги «талаш ўлжаси»га айланди. Бельгиянинг мустамлакаси бўлган Конго, айниқса, унинг табиий бойликларга сероб воҳаси Катанга устидан хўжайинликни қўлга киритиш йирик давлатларнинг асосий стратегик муддаоси бўлиб қолганди. Натижада, қора қитъанинг мазкур минтақасида мудҳиш воқеалар юз берди.

Конго нисбатан мустақил деб эълон қилингач, «ватанпарварлар» раҳнамоси Патрис Лумумба унинг биринчи бош вазири этиб сайланади. Иккинчи томондан — мухолифат раҳбари Моис Чомбе уни «коммунистлар қўғирчоғи» деб атайди. Қарама-қаршиликлар авжига чиқади. Алал-оқибат П. Лумумба ҳибсга олинади ва ваҳшийларча ўлдирилади. У тириклайин бочкадаги ишқорга солиб, эритиб юборилади. Сиёсий «ўйинларда» усталик кўрсатган, ўша пайтда ҳарбий вазир бўлган Сесе Секо Мобуту 60-йилнинг ўрталарида давлат бошига келди. Орада бу қалтис ишларга аралашган БМТ Бош котиби Даг Хаммаршелд ҳам авиаҳалокат қурбони бўлди.

П. Лумумбанинг қатл этилишидан қаттиқ ларзага келган унинг содиқ сафдоши ва дўстларидан бири — Лоран-Дезире Кабила деган ёш аскар йигит «Бир кунмас — бир кун мен, албатта, унинг қасосини оламан» деб, қасамёд этади.

Орадан йиллар ўтди. Конго номи Заир деб ўзгартирилди. Катанга ҳам бошқача — Шаба деб атала бошлади. Бу йилларда ҳам мамлакатда турғун тартибот ва фаровонлик ҳукм сурмади. Вақти-вақти билан турли қабилалар ва партиялараро тўс-тўполонлар, тўқнашувлар бўлиб турди. Бориб-бориб «жароҳат» газак олди, тузалмас «яра»га айланди. Айниқса, сўнгги йиллардаги вазият «қуюшқондан чиқиб кетди». Бунга, шунчаки, тутси ва хуту қабилалари ўртасидаги кучли низолар «баҳона» бўлди. 1994 йилда Заирга қўшни мамлакатлардаги тутсилар ярим миллионга яқин хутуларни ўлдириб, Заирга қочиб ўтдилар. У ердаги хутулар билан яна хунрезлик бошланди. Натижада, қочоқлар кўпайди, минглаб одамлар қирилиб кетди. Заирнинг қатор минтақаларида исёнлар вужудга келди. «Оммавий ғалаён»га юқорида айтилган Лоран Кабила бошчилик қила бошлади. Уларнинг юриши жадаллашди, қатор вилоятлар ва шаҳарлар забт этилди, ҳукумат аскарлари тум-тарақай қоча бошладилар. Ангола, Руанда, Уганда, Эфиопия, Эритрея, Бурунди давлатлари ҳам қўшнилари — Заирга ола қараш қила бошладилар. Чунки, Анголанинг ҳозирги раҳбарияти ва тузумига қарши кураш олиб бораётган УНИТА жангариларининг кўпчилиги Заирда паноҳгоҳ топиб олган эдилар. Уганда президенти Йовери Мусевени эса АҚШ яъни Уганда, Руанда, Судан, Заир, Анголани ўз ичига олувчи Африка Қўшма Штатлари тузиш «ташаббуси» билан чиқди.

Бизнинг шарҳ

Жанубий Африка Республикасининг Иоханнесбург шаҳрида чиқадиган «Санди Индепендент» газетаси ёзганидек, «Натижада, президент Сесе Секо Мобуту атрофида беҳавотир оҳулар ва маймунлар изғиб юрган, ҳолдан тойган шер» ҳолатига тушиб қолди. Аҳвол кундан-кунга оғирлаша борди. Қўзғолончиларнинг пойтахт — Киншасага яқинлашаётганлиги ҳақидаги хабарлар кенг тарқалди. Ўша пайтларда ЖАР президенти Нельсон Мандела Мобуту билан Кабила ўртасидаги ихтилофларни юмшатмоқ ниятида бир неча уринишлар қилди. Бўлмади. Л. Кабила у истеъфога чиқсин ва мамлакатдан бош олиб кетсин, деб туриб олди.

Айтилган сўз — отилган ўқ, деганлари рост экан чоғи, ўтган якшанба-душанба кунлари, айниқса, оғир кечди. Исёнчилар 6 миллионлик аҳолиси бўлган Киншасани қамал қилдилар. Охирги умидини узган 66 яшар С. Мобуту оила аъзолари билан учта самолётда Тогога қочиб кетди. Бош вазир Кенго Ва Дондо ҳам домдараксиз ғойиб бўлди. Қўзғолончилар қўшинлари пойтахтга кирдилар. Аҳоли уларни хайрихоҳлик билан кутиб олди. Лоран Кабила ўзини давлат бошлиғи вазифасини ижро этувчи деб, эълон қилди. У бу гапларни дўсти номига қўйилган Лумумбаши шаҳридан туриб айтди. Заир яна қайтадан Конго Демократик Республикаси деб атала бошлади.

Воқеалар эндиликда қандай ривож топади? Омон бўлсак, кўрамиз.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

НИЗОМ ИМЗОЛАНДИ, ЛЕКИН...

● Кеча Беларус ва Россия Федерацияси ўртасидаги иттифоққа тааллуқли Низом бир ойлик умумхалқ муҳокамасига қўйилганидан сўнг, ниҳоят, имзоланди. Унга Россия президенти Б. Ельцин ҳамда Беларус президенти А. Лукашенколар қўл қўйдилар. Гарчанд, Низом икки давлат ўртасидаги иттифоқ тузиш тушунчасини кўзда тутса ҳам ҳамон унинг келажакдаги қиёфаси номаълум бўлиб турипти. Кўпгина сиёсатчилар, давлат арбоблари, оммавий ахборот воситалари шарҳчиларининг фикрига қараганда, мазкур ҳужжат имзоланган бўлса ҳам ҳеч қандай аниқ бир истиқболни англатмайди.

БОЙҚЎНҒИРДА ПОРТЛАШ

● 20 МАЙ куни Қозоғистондаги Бойқўнғир коинотгоҳида учирилган «Зенит-2» ҳарбий ракетаси парвоз қилгач, 49 сониядан сўнг портлаб кетди. Унинг парчалари 13 километр узоқликдаги сайҳонликларга бориб тушди. Мутахассисларнинг айтишича, Россия бу муваффақиятсизликдан камида юз миллиард рубл зарар кўрди.

МЎҒУЛИСТОНДА ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВЛАРИ

● УЗОҚ тайёргарликлардан сўнг ниҳоят Мўғулистонда президент сайловлари ўтказилди. Унда Мўғулистон Халқ Инқилобий партияси номзоди, 47 яшар Натцагийн Багабанди ғалаба қозонди. Янги президент яқин кунларда вазирлар маҳкамасини янгилаш ниятида эканлигини айтди.

БИРИ БИРИДАН ҒАЛАТИ

● УКРАИНА жанубида бир гуруҳ «тадбиркорлар» қўлга тушдилар. Улар узоқ вақт мобайнида автомашина йўлларида милиция ходимининг қалбаки ҳужжатларини сотиш билан шуғулланиб келганлар. Бундай «нуфузли» ҳужжатларнинг баҳоси 50-100 доллар атрофида баҳоланган. Украина ИИВ маълумотларига қараганда, ҳозиргача 400 дона ана шундай ҳужжатлар сотилган. Айбдорларга нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

● ДУНЁДА миллионерлар сони тобора ортиб бормоқда. ЖАРда чиқадиган «Мейл энд гардиан» газетасининг ёзишича, уларнинг сафи ҳозир 6 миллион кишига етди. Барча миллионерлар қўлида 17 миллиард доллар маблағ йиғилган.

● ЯҚИНДА Ҳиндистоннинг Карнатака вилояти ўйингоҳида ғалати тўй маросими бўлди. Унда бирйўла турли миллат, дин ва уруғчиликка мансуб 212 жуфт ёшлар никоҳдан ўтдилар.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

ДУШАНБА, 26

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.30 «Ҳафтанома».

*

8.30 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Бастакор Мухторжон Муртазоев».
9.05 «Замин фидойилари». Тележурнал.
9.30 «Алдар Кўса». Мультфильм.
9.45 «Табиат шайдолари».
10.00 Янгиликлар.
10.05 Абдулҳамид Чўлпон. «Асорат». Йўлдош Охунбобоев номидаги Республика Ёш томошабинлар театрининг спектакли.
11.55 «Шифокор экрани».
12.25 «Дил тароналари». Фильм-концерт.
12.40 «Қуюшқондан чиққанда». Бадиий фильм.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Эркатой».
18.25 Мустақиллик кубоги. Бокс бўйича Халқаро турнир.
19.05 «Катта танаффус» янгиликлари.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Саҳна ҳаёти».
21.40 «Маърифатнома».
22.20 XII Тошкент Халқаро кинофестивали. «Муштарак диллар экрани».
22.40 «Морена Клара». Телесериал.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.15—00.20 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 XII Тошкент Халқаро кинофестивали кундалиги.
18.15 Эълонлар.
18.20 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Спорт қитъаси».
18.45 «Тулпор».
19.00 «Мак ва Матли». Қизиқарли дастур.
19.20 «Услуб».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 XII Тошкент Халқаро кинофестивали кундалиги.
21.15 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.30 «Кинонигоҳ».
22.30 «Бебаҳо лаҳзалар».
22.40 «Спорт қитъаси».
23.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III

17.15 Янгиликлар.

*

17.20—20.40 Россия жамоат телевидениеси.

*

20.40 «Кругозор». Тележурнал.

*

21.00—21.30 Россия давлат телевидениеси.

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Мулоқот». Қисқа метражли бадиий телефильм.
22.05—22.25 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 Кўрсатувлар анонси.
18.50 «Мультькарусель».
19.05 Эълонлар.
19.10 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.35 «Британия кундалиги».
20.05 «Жаҳон».
20.25 «Хайр, мактаб!».
20.40 «Сўз — сизга».
20.55 «Авторейд».
21.05 «Ракурс».
21.35 «Спорт-тайм».
22.05 Эълонлар.
22.10 Кинематограф. «Тунги талваса». Телесериал.
23.00 «Гўзаллик ва мангулик ҳақида».
23.20—23.50 «Замандас».

СЕШАНБА, 27

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Гулла, яшна, Она-Ватаним». Фильм-концерт.
8.55 Биржа ва банк хабарлари.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Меҳр нури».

Ўқув кўрсатувлари:

10.30 Инглиз тили.
11.00 «Абитуриент-97». Тест синовларига тайёрмисиз?

*

11.30 «Катта танаффус» янгиликлари.
11.50 «Бугуннинг ўйлари». Публицистик кўрсатув.
12.10 «Қизиқарли учрашувлар».
12.40 «Лўли». Бадиий фильм.
14.00 Янгиликлар.
14.05—14.35 «Сирли сандиқ». Телевизион ўйин.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Қўнғироқча».
18.30 «Спорт. Спорт. Спорт».
19.00 «Шарқ тароналари».
19.15 «Тамойиллар».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Адолат». Ҳуқуқий-публицистик кўрсатув.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Тўртинчи ҳокимият».
21.20 Маънавият. «Оҳанглардан таралган меҳр».
21.40 «Япония ҳақида ҳикоялар».
22.00 XII Тошкент Халқаро кинофестивали. «Муштарак диллар экрани».
22.20 «Пардали гап».
22.50 «Замон».
23.00 «Альманах ТВ».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.15—00.20 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 XII Тошкент Халқаро кинофестивали кундалиги.
18.15 Эълонлар.
18.20 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Авлодимиз».
18.45 «ТВ плюс...»
19.00 «Олтин кент».
19.15 «Мусиқий шарҳ».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 XII Тошкент Халқаро кинофестивали кундалиги.
21.15 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.30 «Кинонигоҳ».
23.10 «Спорт қитъаси».
23.35 «Ишбилармонлар ҳафтаси».
23.50 — 00.10 «Акс».

III

17.15 Янгиликлар.

*

6.30—8.00, 17.20—20.40 Россия жамоат телевидениеси.

*

20.40 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Самога йўл». Премьера.

*

21.00—21.30 Россия давлат телевидениеси.

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Кабутарлар — муҳаббатим менинг». Телекўрсатув.
22.05—22.25 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 Кўрсатувлар анонси.
18.50 «Мультькарусель».
19.05 Эълонлар.
19.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.00 «Сен ҳақингда ва сен учун». Ахборот-дам олиш кўрсатуви.
20.15 «Халқ саломатлиги йўлида».
20.40 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.10 «Долзарб репортаж».
21.35 «Фан ва технология».
22.05 Эълонлар.
22.10 Кинематограф. «Тунги талваса. Телесериал.
23.00 «Янги иқтисод».
23.30—23.55 Немис тилида кўрсатув.

ЧОРШАНБА, 28

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 Маънавият. «Оҳанглардан таралган меҳр».
8.45 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Ҳунари бор, хор бўлмас».
9.05 «Алпомиш авлодлари». Миллий кураш.
9.40 «Инсон манфаатлари йили».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Дорбозлар». Кўқон шаҳридаги дорбозлар ва қўғирчоқ театрлари фестивали.
10.25 Янги алифбони ўрганамиз.
10.55 «Самсон ва Салли». Мультфильм.
11.55 «Изланиш самаралари».
12.25 «Шарқ тароналари».
12.40 «Бувам, Килиан ва мен». Бадиий фильм.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Уйқу салтанати». Мультфильм.
18.20 «Бу ёруғ оламда Ватан биттадур...».
18.25 Дилнавоз садолар.
18.35 «15 дақиқа спорт ҳақида».
18.50 «Замон билан ҳамнафас».
19.05 «Тасаввур олами».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Қалқон». Ҳуқуқий-публицистик кўрсатув.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
21.20 Дилнавоз садолар.
21.35 Бухоронинг 2500 йиллигига. «Бухорои Шариф».
22.00 XII Тошкент Халқаро кинофестивали. «Муштарак диллар экрани».
22.20 «Автоолам».
22.40 «Морена Клара». Телесериал.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.15 — 00.25 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 XII Тошкент Халқаро кинофестивали кундалиги.
18.15 Эълонлар.
18.20 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Классик куйлар кечаси».
18.55 «Спорт қитъаси».
19.05 «Дойче-Велле» тақдим этади...
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 XII Тошкент Халқаро кинофестивали кундалиги.
21.15 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.25 «Кинонигоҳ».
22.55 «Зерикмай десангиз».
23.05 «Спорт қитъаси».
23.25 — 00.15 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III

17.15 Янгиликлар.

*

6.30—8.00, 17.20—20.40 Россия жамоат телевидениеси.

*

20.40 «Шоҳсупа сари йўл». Спорт дастури.

*

21.00—21.30 Россия давлат телевидениеси.

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Шарқ тароналари». Мусиқашуносларнинг халқаро симпозиуми.
21.55—22.15 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультькарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.30 «Ирэндек».
20.00 «Спортлото».
20.10 «Азизим».
20.40 «Таклифлар ва ташрифлар».
21.10 «Автосалтанат».
21.20 «Тошкентнома».
21.50 «Бу ажиб дунё».
22.10 Эълонлар.
22.15 Кинематограф. «Тунги талваса». Телесериал.
23.05—23.55 «Экстремал ўйинлар».

ПАЙШАНБА, 29

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ НИ ЎҚИБ, ОЙНАИ ЖАҲОНДА КЎРИНГ.

олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Исмоил Жалилов куйлайди». Фильм-концерт.
8.55 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 Алифбо сабоқлари.
10.35 «Кичкинтой устахонаси».
11.00 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Қизиқчи».
11.35 «Истиқболга интилиб». Публицистик кўрсатув.
11.55 А. С. Пушкин. «Олтин балиқча». Хоразм давлат қўғирчоқ театрининг спектакли.
12.35 «Эдгар ва Кристина». Бадиий фильм.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Катта танаффус». Сўнгги қўнғироқ. Шоу дастури.
18.50 Дилнавоз садолар.
19.05 «Билиб қўйган яхши».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Юзма-юз».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Иймон».
21.40 «Одамлар орасида».
22.00 XII Тошкент Халқаро кинофестивалининг тантанали ёпилиши. Халқлар Дўстлиги саройидан кўрсатилади (ёзиб олинган).
22.40 Мақом кечаси.
23.10 «Мутойиба». Пайшанба ҳазиллари.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.15 — 00.20 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.15 «Спорт қитъаси».
9.25 «Тулпор».
9.40 «Мак ва Матли». Қизиқарли дастур.
10.00 «Услуб».
10.05 «Бебаҳо лаҳзалар».
10.15 «Олтин кент».
10.30 «Мусиқий шарҳ».
10.40 Ишбилармонлар ҳафтаси.
10.55 «Акс».
11.15 «ТВ плюс...»
11.30 Фортепиано дуэтлар фестивали. 1-қисм.
11.45 «Зерикмай десангиз».
11.55 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
12.15 — 14.05 «Кинонигоҳ».

* * *

18.00 XII Тошкент Халқаро кинофестивали кундалиги.
18.15 Бугун пайшанба дастурида.
18.20 Эълонлар.
18.25 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.40 «Сувости дунёси».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Кўнгил кўнгилга пайванд».
21.40 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
22.00 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.10 «Кинонигоҳ».
23.40 XII Тошкент Халқаро кинофестивали кундалиги.
23.55 — 00.15 «Спорт қитъаси».

III

17.15 Янгиликлар.

*

6.30—8.00, 17.20—20.40 Россия жамоат телевидениеси.

*

20.40 «Гав лақабли мушукча», «Ялқов қизча». Мультфильмлар.

*

21.00—21.30 Россия давлат телевидениеси.

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Панд еди». Бадиий фильм (АҚШ).
23.15—23.35 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультькарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
19.55 «02» тўлқинида.
20.10 «Минг бир маслаҳат».
20.30 Эълонлар.
20.35 «Эльдорадо». Телесериал.
21.05 «Жаҳон дурдоналари».
21.35 «Каталог».
21.45 «Коктейль плюс».
22.15 «Интер-спорт».
22.25 «Эллада».
22.50 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
23.20—23.35 «Компьютер-ревю».

ЖУМА, 30

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Ёшлар хиром айлаганда». Фильм-концерт.
8.55 «Юзма-юз».
9.15 Кураш. Осиё ўйинлари олдидан.
9.30 «Оламни асранг».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Юрт таянчлари». Публицистик кўрсатув.

Ўқув кўрсатувлари:

10.30 Немис тили.
11.00 «Абитуриент — 97». Тест синовларига тайёрмисиз?
11.30 «Насримиз уфқлари».
11.50 «Оромгоҳлар мавсумга шайми?».
12.35 «Пан Кляксанинг саёҳати». Бадиий фильм. 1-серия.
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 15.20 «Пан Кляксанинг саёҳати». Бадиий фильм. 2-серия.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Митти юлдузлар».
18.30 «Соғлом авлод учун».
18.50 Бизнес ҳафта якунлари.
19.00 «Синфдош». Сўнгги қўнғироқ.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Қишлоқ ҳақида ўйлар». Публицистик кўрсатув.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Иқтисод алифбоси».
21.30 «Ривоят».
21.40 Хиванинг 2500 йиллигига. «Меҳр макони». 1-қисм.
22.00 «Эртага — шанба».
22.15 «Хуш келибсиз».
22.30 «Морена Клара». Телесериал.
23.15 Дилнавоз садолар.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 «Ринг».
00.15 Тунги тароналар.
00.25 — 00.30 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.15 «Кўзмунчоқ».
9.35 «Кулги дарғалари». Чарли Чаплин.
9.50 «Дубляж».
10.10 «Олтин кент».
10.25 «Жозиба».
10.40 «Зиндаги ёхуд муҳаббат».
11.05 Видео — «О».
12.35 — 13.05 «Спорт қитъаси».

* * *

18.00 XII Тошкент Халқаро кинофестивали кундалиги.
18.15 Эълонлар.
18.20 «Бор экан-да, йўқ экан...»
18.40 «Телевидение ва театр».
19.00 «XXI аср авлодлари».
19.20 «Бугун кино оқшомида».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Сизлардан ишорат». Мусиқий дастур.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 XII Тошкент Халқаро кинофестивали кундалиги.
21.15 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.30 «Кинонигоҳ».
23.10 «Ханда дўкони».
23.30 — 00.20 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III

17.15 Янгиликлар.

*

6.30—8.00, 17.20—20.40 Россия жамоат телевидениеси.

*

20.40 «Мусиқа ҳамма учун».

*

21.00—21.30 Россия давлат телевидениеси.

*

21.30 Эълонлар.
21.35 Футбол. Йил матчи. Финал. Чемпионлар лигаси. «Боруссия» (Германия) — «Ювентус» (Италия). Ёзиб олинган.
23.05—23.25 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультькарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.30 «Умид чечаклари».
20.00 «Олам ва одам».
20.25 «Маънавият ва Ислом».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Эльдорадо». Телесериал.
21.25 «Қанотлар».
21.45 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
22.15 «Жума куни, ишдан сўнг».
22.55—23.25 «Рангинкамон».

ШАНБА, 31

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Насиба». Фильм-концерт.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.

«Ёшлик» студияси намойиш этади:

10.00 «Мулоҳаза, мунозара, муносабат».
10.25 «Ҳангома».
10.40 «Ёшлар ва замон».
11.15 «Хотира». Ўзбекистон халқ артисти Ҳ. Наримонов.
11.40 Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни олдидан. «Оналар мактаби».
12.10 «Янги кун». «Томоша» болалар-фольклор этнографик ансамблининг концерти.
13.10 — 14.35 «Еввойи оққушлар». Бадиий фильм.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Олам нурга тўлаверсин». Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни олдидан.
18.35 «Бир кўшиқ тугагунча».
18.55 «Исмлар тарихи».
19.05 «Ҳайрат».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 Рақслар гулдастаси.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Ўзбекистоннинг янги тарихи».
21.30 Дилнавоз садолар.
21.40 «Бизнес-академия».
22.00 XII Тошкент Халқаро кинофестивалининг якунларига доир. «Муштарак диллар экрани».
22.30 Диққат, премьера: Ю. Розиқов, «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 35-қисм.

«Тунги ёғду».
Дам олиш дастури:

23.05 «Мусиқий саёҳат».
23.25 Жаҳон киноси юлдузлари. Ал Пачино.
23.45 «Сени севдим». Бадиий фильм. 1 — 2-сериялар (Ҳиндистон).

II

9.00 «Бор экан-да, йўқ экан...»
9.20 «Телевидение ва театр».
9.40 «XXI аср авлодлари».
10.00 «Сизлардан ишорат».
10.30 «Ханда дўкони».
10.50 «Кинонигоҳ»
12.30 — 13.30 «Спорт қитъаси».

* * *

18.00 «Даракчи».
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.30 «Кўзмунчоқ».
18.50 «Ҳавас ТВ».
19.10 Кўшиқлар жилоси.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Дармон».
20.10 «Жозиба».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.

«Шанба оқшоми».
Дам олиш дастури:

21.00 «Зиндаги ёхуд муҳаббат».
21.25 «Спорт қитъаси».
21.50 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.10 «Яширинадиган жой йўқ». Ўткир сюжетли детектив фильм.
23.50 — 24.00 «Даракчи».

III

18.00 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

18.05—21.40 Россия жамоат телевидениеси.

*

21.40 Эълонлар.
21.45 «Янги қасоскорлар». Телесериал (Англия).
22.35—22.50 «Сополда акс этган дунё». Манзарали телефильм.

IV

9.00 «Аэробика».
9.20 Кинонинг олтин асри. «Уч мушкетёр». Бадиий фильм.1-серия.
10.55 Эълонлар.
11.00 Шанба эртаги.
12.00 «Учувчи шифокорлар». Телесериал.
12.45 «КВН-97».
14.15—14.45 Корейс тилини ўрганамиз.

* * *

17.10—18:45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультькарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
19.55 «Шанба оқшомида».
20.05 «Тақдирлар».
20.35 «Спектаклдан сўнг».
21.00 Эълонлар.
21.05 «23-Ниссан». Туркияда Халқаро болалар фестивали.
21.35 «5 дақиқа ўзинг учун».
21.40 «Эсдалик учун дастхат».
22.10 Кинонинг олтин асри. «Уч мушкетёр». Бадиий фильм. 2-серия.
23.40 «Бу ажиб дунё».
24.00—00.20 «Хит-коллекция».

ЯКШАНБА, 1

ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Бугун якшанба дастурида».
8.30 «Олам нурга тўлаверсин».
9.15 «Қувноқ стартлар».
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Болалар дунёси».
11.15 «Ҳамёндаги мўъжизалар ёки...»
11.25 Ю. Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 35-қисм.
12.00 «Сиҳибжамол ва маҳлуқ». Мультфильм. 1-қисм.
12.40 «Катта танаффус». Сўнгги қўнғироқ. Шоу дастури.
13.20 «Табассум кўчалари».
13.40 «Менинг ҳам ўз овозим бор». Мусиқий дастур.
14.00 «Қотиллик пайида». Бадиий фильм. 11-серия.
14.50 «Келгуси ҳафтада».
15.05 «Бу мунис лаҳзалар».
15.25 «Ўзбекистон спорти».
15.40 «Уч қирол жанги». Бадиий фильм 3 — 4-сериялар.
17.20 «Тақвим».

*

17.30 Кўрсатувлар тартиби.
17.35 «Мульттўплам».
17.55 «Ассалом, болалик!»
18.25 «Қотиллик пайида». Бадиий фильм. 12-серия.
19.15 «Пойинтар-сойинтар».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Илҳом сатрлари».
20.05 «Эгиз қўшиқлар».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Жараён».
21.20 «Мусиқа салтанати».
21.40 «Шахс ва баҳс».
22.05 «Интер-футбол».
22.40 «Келгуси ҳафтада».
22.55 Эълонлар.
23.00 «Ҳафтанома».
23.30 Тунги сеанс. «Гайдуклар». Бадиий фильм.
00.55 «Тақвим».
01.05 — 01.10 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Боланинг тили».
9.15 «Ёрилтош» Мульттўплам.
9.45 Болажонлар экрани.
11.00 «Умрбоқий мерос».
11.15 «Мухлис ТВ-2».
11.35 Дилнавоз садолар.
11.55 «Глобус». Телеальманах.
12.20 — 14.05 Видео — «О».

* * *

18.00 «Даракчи».
18.10 Эълонлар.
18.15 «Боланинг тили».
18.30 «Ёрилтош». Мульттўплам.
19.00 «Табиат шифохонаси».
19.10 «Мухлис ТВ-2».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Қонун ҳимоясида».
20.10 «Умрбоқий мерос».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Тошкент учрашувлари». XII Тошкент Халқаро кинофестивалининг якунларига доир.
21.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.50 Видео — «О».
23.30 «Мухлис ТВ-2».
23.45 «Мувозанат» — келгуси ҳафта тақвими.
24.00 — 00.10 «Даракчи».

III

17.20 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
17.25 «Мўъжизалар куни». Болалар учун фильм-концерт.

*

17.50—23.05 Россия жамоат телевидениеси.

*

23.05 Эълонлар.
23.10 «Янги қасоскорлар». Телесериал.
24.00—00.25 «Панорама».

IV

9.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!».
9.30 «Эртакларнинг сеҳрли олами» таништиради.
11.10 «Парле ву франсе?».
11.40 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
11.50 «Биринчи рақамли ўйинчи». Бадиий фильм (Ҳиндистон). 1-серия.
14.10 Эълонлар.
14.15 Киносалон. «Аёл иси». Бадиий фильм.
16.10 «Шу куннинг мавзуси».
16.25 Кундузги сеанс. «Қутқариш командаси». Бадиий фильм.

*

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультькарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Телетаъриф».
19.25 «Яхши дегани нима-ю ёмон дегани нима». Болалар дам олиш дастури.
19.45 «Сенинг вақтинг».
20.05 «Иштирок этувчилар».
20.35 «Кинопрофи». Жаҳон кинематографияси янгиликлари.
21.05 Эълонлар.
21.10—23.10 Киносалон. «25 центли танга». Бадиий фильм.

САЪДУЛЛА СИЁЕВ

ШАҲЗОДА ҲИБСДА

Ёзувчи ижодхонасида

Қутбиддин маъюс илжайди:

— Бул фақирингиз тажрид[1] қилмоқни ихтиёр этдим, қиблагоҳ. Бизларни яратган парвардигор ёлғиз, тангрим деб урадирғон қалб ҳам ёлғиз. Бир юракка икки ишқ сиғмас. Фақир қулингиз ўзимни тамом ишқи илоҳийга бағишладим.

— Мутакаббур бўлибсан, Қутбиддин, — деди Маҳмудхон тошиб келаётган ғазабини босиб, — тажрид айлаб дунёдин бенаму нишон ўтмак шариатимизга хилоф юмушдир. Ана, пири мурширинг Ҳазрати Султонни кўр. Пиримиз ҳам рўзғор тутганлар, аҳли аёли, нури дийдалари бирла умр кечирадилар.

— Пирим фанобиллоҳ мақомига етганлар. Ҳазратим бамисли самоюю, биз ул самонинг этагидирмиз. Фақирингиздаги нури иймон пиримнинг мақомларидин бир ғубор, бир зарра янглиғдир. Биз камолот мартабасидин ҳаминқадар йироқмиз.

Қутбиддиннинг хотирига ажиб бир манзара келди. У «Айтсамми, айтмасамми?» дегандек, илтижо аралаш отасига қаради. Султон Маҳмудхон «Мутакаббур бўлсанг ҳам доно мутакаббур бўлибсен», дея ўғлига ҳавасу алам билан тикилиб ўтирган эди, унинг ниятини сезди.

— Бўғзингда бир калом турибди, айтиб қол, бола! — деди негадир энсаси қотиб. Қутбиддин миннатдор бир қиёфада сўз бошлади:

— Даштда ўтин йиғнаб юриб эрдим. Тепамдин бир тўп қушлар учиб ўтди. Улар Оллоҳ таолонинг зикрини айтиб, қанот қоқарди. Маҳлиё бўлиб боқиб турдим. Юрагим тез-тез урди. Сездимки, танамдин муштдек бир нимарса айрилиб чиқди. У осмондаги қушларга бориб қўшилди. Бирга-бирга учиб кетабердилар. Бир замон ул қушлардан ортда қола бошлади. Охирул амр омонатим кўкрагимга қайтиб келди. Билдимки, ул жон қушим эркан. «Не бўлди, эй, руҳи равоним?» дедим. Ғойибдин товуш келдики, «осмондаги қушлар жаннатга йўл тутганлар, сен ҳануз камолот мартабасига етмабсен, шул боис қушинг тағин ўз қафасига жо бўлди...»

— Ўшал қафас энди менинг қўлимда, — деди Маҳмудхон кескин, — зинҳор илкимдин чиқормагаймен. Сен учун икки йўл бор: кадхудо бўлиб, валиаҳдлик мақомида қолғайсен ёхуд умрингни зиндонда чиритгаймен. Қайси бирин авло билсанг, айт!

Қутбиддин калла осилтириб, сукутга берилди. Маҳмудхон маъноли йўталди. Қутбиддин бошини кўтарди. Отасининг кўзларига гуноҳкорона термулди.

— Осий фарзандингиздин ризо бўлинг, қиблагоҳ. Фақирингиз шоҳона саройдан кўра ғарибона хонақоҳни афзал кўрадурмен.

Хон қарс урди. Эшикоға кирди.

— Бул гумроҳни дарҳол зиндонга элтиб ташланг! — деб бақирди Маҳмудхон, — шаҳзода экан деб, марҳамат қилинмасин. Якка ўзини хос бандихонага ўтқазинглар!

Хон шитоб билан ўрнидан қўзғолди. Тахт ортидаги махсус эшикдан чиқиб кетди. Икки навкар кириб, Қутбиддинни ҳайдаб жўнадилар.

Зовиянинг тор ҳужрасидек бу зиндон энди Қутбиддин учун хаёлот масканига айланди.

...Косадаги сувдан хўплади. Кўзларини юмди. Сўфийларнинг қадим ҳикмати жилва кўргузди. Қутбиддиннинг синиқ кўнгли тийрак кўзга айланди. Кўз ўнгидан тасбеҳга терилган садаф доналаридек бўлиб кечмиш ҳаёти ўта бошлади. Ҳайҳот, бу ғариб бошига не савдолар ёғилмади. Қирқ кун от боқди, қирқ кун ер супурди, шунча кун дашту далада оёқларига чақир тиканак кириб, қўллари шилиниб ўтин терди. Халфаларга таҳорат суви ҳозирлади, ёғоч ёрди, гўлоҳлик қилди, ҳатто, бадраф тозалади. Муридликнинг илк ойларини хотирласа, Қутбиддиннинг баданидан ҳамон ўт чиқиб, етмиш икки томири бирдек гупиллаб уриб кетади.

...Пир хизматига кирган кезлари. Тариқат аҳкомига биноан, солик ўзидаги кибру ҳавони ўлдириши, шу йўл ила сулукдаги дарвешлар жамоасига тенглашмоғи керак эди. Қутбиддин — кечаги шаҳзода, Самарқанд тахтининг вориси. Ундаги ғурурни сўндириш Бобо Мочинга топширилди. Бобо Мочин аслан кўнгли юмшоқ, шафқатли бир кимса эди. Аммо, у табиблик вазифасини ўташи лозим. Табиб раҳмдиллик қилиб, жароҳатга тиғ урмаса, яра газак олиши мумкин. Шу янглиғ Бобо Мочин дўст табиб йўриғини тутди. Қутбиддинни эргаштириб, Яссидаги улкан бозорга олиб борди. Бомдоддан то рўзи шабгача тиланчилик қилишга буюрди.

Қутбиддин саҳар туради. Ҳамхоналари сингари ўчоққа салом бериб, ичида Оллоҳдан ризқ-рўз тилайдию бозорга қараб кетади. Эгнида жулдур тўн, бўйнида кашкул, оёғида етти ямоқ чориқ. Дилида зикру сано. Бош қопқодан киради. «Ҳақ дўст, ё олло!» дейди овози титраб. Кўзларини ёш босади. Хўрлиги келади. Ўзи тенги, бўйсира муридларга беминнат хизмат бошқаю эл кўзида мунофиқона тиланчилик қилиш бошқа экан. Қалбининг туб-тубидан исёнкор бир нидо келади: «Ё, раббий! Жаннатул маъводек Самарқанд подшосининг ёлғиз фарзанди халойиқ олдида қўл чўзиб, гадолиқ этиб юрса... Бу не кўргулик?!» Аммо на чора. Пир амри вожиб. Қутбиддин тағин оёқ судраб, олға интилади. «Бир нотавонга худо йўлида хайр-эҳсон қилинглар.. Ҳақ, дўст, ё олло! Ҳақ дўст, ё олло!» Кашкулга жиринглаб бир-икки кумуш танга тушади. Бу дирҳамлар гўё шапалоқ бўлиб Қутбиддиннинг қулоғига урилгандек бўлади. Терлаб кетади. Тўхтайди. Аланглайди. Таниш овоз эшитгандек бўлади. «Самарқанддин келган тужжорлармикин? Шеваси ҳам жонга яқин. Худога шукрким, бул ола тўп бозорда биров танимайди...» Шу пайт рўпарасидан сувсар телпак кийиб, белига тилло ханжар боғлаган норғул йигит келадию... истеҳзоли илжаяди. «Бу келбатинг ила гадойлиқ қилгунча илкингга чўқмор олиб, навкарликка борсанг бўлмасму?» дейди. Ва кашкулга зарда бирла кумуш танга ташлайди. Хўрликнинг зўридан Қутбиддиннинг фарёд ургиси, ёқасини пора-пора қилиб... ўшал такаббурга ташлангиси келади. Қани энди унинг қўлидаги ханжарини тортиб олсаю, аввал йигитга, сўнг ўзига урса! Қутбиддин товушини чиқармай, ўксиб-ўсиб йиғлайди. Унгача олифта йигит кўздан ғойиб бўлади...

Бирор ҳафтадан кейин Қутбиддиннинг «бети қотди». Энди унда шаҳзодалик ғururидан асар ҳам қолмаган эди.

Ёниқ таассурот ҳамон юрагини жизиллатиб турарди. У тағин бир хўплам сув ичди. Энди кўз олдида гулгун манзаралар кашф бўлди.

Наврўзнинг илк дамлари. Саҳро. Дарё бўйи. Тун. Беҳиштдан чиққан Сайҳун юзидан жаннат иси келади. Бу азалий ва абадий олам муаттар бўйлар оғушида мастона тебраниб тургандек. Осмонда ёқутдек йирик юлдузлар порлайди. Янги ойнинг ўроғи дарёда қалқиб-қалқиб сузади. Мисли олтин беланчак. Зокирлар халқа қурган. Ўртада гулхан. Саксовул чирсиллаб ёнади. Оловнинг қизил тиллари дарвешлар хирқасини ялаб ўтади. Пир амри бирла зикри алониййа бошланади. Оҳ, бу зикрнинг қудрати, шукуҳи, ўлик руҳларга-да жон ато этгувчи сеҳру синоати! Пири комил зикр — жоннинг роҳати, деб бежиз айтмаганлар.

У саодатли кунлар завқини унутиб бўладими? Токи сўнгаклари чиригунча ёдидан чиқмас. Қутбиддин икки ярим йил бадалига бундай фараҳбахш сайру саёҳатлар, суҳбатлару гап-гаштакнинг мазасини хўб тотиб кўрди. Қоратоғнинг ҳуркак оҳулари кўзни севинтирса, тошқин сойлардаги зилол сувлар танга ором берарди. Дунёдан этак силтаган аҳли дилларнинг кўнгил рози дийдасига ёш элтиб, бағрини сариёғдай эритар, Пир суҳбати, олис мозийдан айтган ҳикоятлари иймонига қувват бағишлар, кароматлари белидаги ҳиммат кўрини маҳкамроқ боғларди. Энди Қутбиддиннинг ёлғиз бир истаги бор: зоҳиран бу сирвол-чалвор, хизом, яшил тамға босилган қова, ирғай асо, сафойил, таслим тошу хирқаи табаррук. Ва зикри алонийййа. Юрагининг шодлиги ёлғиз Оллонинг ёди ила бўлғай. Ишқи илоҳий лайлу наҳор вужудини нурга чулғаб, белига қувват, кўзларига нур, оёқларига мадор, ҳур кўнглига равшанлик ато этиб тургай. Илгари у май таъсирини эшитган толиби май каби эди. Алҳол, ваҳдат шаробини нўш этдию, ўзи маҳмурга айланди. Бу фоний дунё роҳатлари, бу олами носут фароғатларию молуманотдан келадиган маҳмурликдан аҳли ҳол ичра топган махмурлик афзал экан. Қутбиддин буни ғойибона бир сезги ила ҳис этади. Илло отасининг феълини ҳам биладаи. «Раббано, ўзинг пушти паноҳимга раҳму шафқат, бу бандангга сабру сукун ато этгил!» дея Қутбиддин лой супага ёнбошлади.

Кеч кирди. Лаъли баркашдек дарча ортида қоронғилиқ инди. Қутбиддин чордона қурганча зикри қалбия — сўзсиз ибодат ила машғул бўлиб ўтирибди. Шу пайт эшик тарақлаб очилди. Йўғон шам кўтариб соҳиби зиндон кирди. Унинг ортида оқ либосли бир аёл кўринди. Зиндонбон четга ўтиб заифага йўл берди. Аёл остона ҳатладию «Болам, нури дийдам!» дея уввос солди. Қутбиддин онаизор истиқболига пешвоз турди. Ойтуғди ҳаллослаб келиб ўғлини бағрига босди, юз-кўзини силади, пешонасини ўпди.

Зиндонбон шамни қолдириб чиқиб кетди. Ойтуғди Қутбиддинни бемордек суяб супага ўтқазди. Ва чўк тушиб ўғлининг оёқларини қучоқлади. Кўз ёш аралаш инграмди:

— Ёлғизим... Юлдузлардан ясаб олган ойпарчам... Қарчиғайдек қанотим, арғимоқдек учқурим... Тобутимнинг чегаси, юрагимнинг эгаси... Сенга не бўлди, а? Мен шўрликка шунча кўргиликлар озмиди, тилаб олган тилло беланчагим?..

Ойтуғди товушини баралла қўйиб ҳўнграб йиғлади. Қутбиддин сас чиқармади. Яккаш онасининг мушки анбар уфуриб турган силлиқ сочини силайди. Жон-жаҳони ёниб, вужуди ўртанади. Бир нима демакка тил чоғласа оғзи қуруқшайди, боши гувлайди. Томоғида ёнғоқдек тош тиқилиб турибди.

— Эна... Энажон... — дейдию онасининг муборак сочларини ҳидлаб-ҳидлаб иссиқ-иссиқ ёш тўкади. Ойтуғди қаддини чўзиб, ўғлининг юзларидан ўпди. Она-боланинг кўз ёшлари қўшилиб кетди.

Ойтуғди нафас ростлаб, ўғлининг ёнига ўрнашди. Қутбиддиннинг елка-бошини силаб, узоқ ўтирди. Ниҳоят, маҳзун, ўксик бир товушда деди:

— Энди мен нетайин, болам? Бул бадбахт энангни зор қақшатиб ташлаб кетмакка қасд қилдингму, қўзичоғим?

Қутбиддин жавоб бермади. Узун уҳ тортди.

— Мени ҳам ола кет, жоним. Гадо бўлсанг, гадо бўламан, адо бўлсанг, сенинг йўлингда адо бўламан. Бу дунё шодлиги, не экан, икки олам роҳатини сенинг бир дона тукингга алмашмагаймен! Маликалик маснадига тупурдим, саройига ўт қўяман! Сендин бошқа менинг кимим бор?

Қутбиддин аста гап қўшди:

— Давлатпаноҳ отам...

— Фарзанд меҳри менга эр меҳридин авло. Отангни мендин бўлак доғи икки завжаси бордир!

Қутбиддин онасининг сочидан қўлини тортди.

— Берган сутингизга ризо бўлинг, энажон. Сизни олиб кетолмайман. Менинг йўлим олис. Энди бу фақир ўғлингиз ҳақ йўлчисидирмен.

Ойтуғди, «Не бўлганда ҳам қони қайноқ йигит, ҳали қиз исини туймаган, зора эти жимирласа», деган хаёлда ҳийлага ўтди:

— Сенга бир сулув қиз топдим, болам... Энди ўн олтига чиққан. Жаннат ҳурларидан-да зиёда. Бир қошиқ сув бирла ютгулик. Онам ризо бўлсин, десанг, уйланиб юзимизни ёруғ қил. Андин сўнг майли, зовиянгга кетабер. Истасанг, ўзим Самарқандда улкан хонақоҳ солдириб берай. Худо йўлиға кирган қаландару мискинларни йиғнаб, зикру сано айтиб ўтиринглар. Маъқулми?

— Энажон, алҳамдуллиллоҳким, барчамиз бир яратганнинг қулимиз. Ҳадиси қудсийда Аллоҳ таборак демишки, берган ризқимга қаноат қилгувчи, мени ризо бўлсин деб, шаҳвоний ҳирсларини тарк этгувчи ёш бандаларим наздимда бир қисм малойикалар даражасида бўлғай. Ахир нечук мен осийлик қилиб тангримнинг сўзларига шак келтирай, энажон?

Илоҳий ҳадис сўзлари Ойтуғдини бир қадар совутди. Энди узун-узун уф тортиш навбати унга келди.

Ойтуғди ёнбошидаги бўғчасини очди. Бахмал дастурхон ёзди. Турлук-турлук таомлар олиб қўйди. Нон синдирди.

— Егил, болам. Этдин ол. Қувват бўлади. Отанг қаҳр отидин тушгунча очиқиб қолғайсан.

— Эт емасман. Бизнинг емишимиз меваю сабзавот. Дарвешларда таомил борки, қурсоғинг оч, кўнглинг тўқ бўлсин. Энажон, ўз илкингиздан сўнги бора бир тўғрам нон едиринг. Кўкрак берган қўлингизнинг муаттар исини ёдимда сақлаб қолай.

Ойтуғди нон ушатиб, ўғлининг оғзига солар экан, Қутбиддин онасининг кафтларини қайта-қайта ҳидлаб ўпди. Ойтуғдининг хаёлидан бир фикр кечди: «Наҳот авлиёи кабирнинг сеҳри отаона меҳридан ҳам улуғ бўлса? Худо шоҳид, бул асрорга ноқис ақлим етмайдир!»

Ойтуғди «Мен отангдин пинҳона келдим, бора қолай», дедию шоша-пиша жўнади.

Бироздан кейин зиндонбон эски пўстак, жунболиш ва олача тўн олиб кириб ташлади. Қутбиддин қўлларини ёстиқ қилиб, пўстакка чўзилди.

(Давоми. Боши газетамизнинг 21 май сонида).

---

[1] Тажрид — уйланмай дунёдан тоқ ўтиш.

«Соғлом авлод учун» жамғармасининг вилоят бўлими ходимллари кейинги йилларда турли туманларда бўлиб, аҳолини тиббий кўрикдан ўтказиш, ночор оилаларга моддий ёрдам бериш борасида алоҳида фаоллик кўрсатмоқда. Яқинда жамғарма вакиллари Оққўрғон туманида бўлиб болаларнинг саломатлигини назоратдан ўтказдилар. СУРАТДА: ҳаракатдаги шифохона — «Амбуланс» дўхтири Минаввар Мўминжонова бола соғлиғи ҳақида она билан суҳбатлашмоқда.

Холмурод ТОШМУҲАМЕДОВ олган сурат.

*СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ*

Жаҳон биринчилиги учун

ЭРТАГА «ПАХТАКОР»ДА УЧРАШАМИЗ

ФУТБОЛ муҳлислари эртага Марказий «Пахтакор» ўйингоҳида бўладиган Ўзбекистон — Камбоджа терма жамоалари учрашувини сабрсизлик билан кутишмоқда.

ТЎҒРИ, бу галги рақибимиз унчалик кучли эмас. Улар ҳозирда гуруҳда сўнгги ўринни эгаллаб турибдилар. Яманда 0:7 ҳисобида мағлубиятга учраганларидан сўнг аҳволлари янада мушкуллашди. Бироқ спортда, хусусан, футболда кучсиз рақиб бўлмаслигини сира ёддан чиқармаслик керак.

Терма жамоамиз шу кунларда «Қибрай» спорт мажмуида бўлажак учрашувга тараддуд кўрмоқда. Улар сафида вилоятимизнинг «Дўстлик» жамоаси аъзолари, ҳимоячи Рустам Шоймардонов, ҳужумчилар Фарид Хабибулин ва Жаъфар Ирисметовлар ҳам бор.

Осиё бешинчи гуруҳида бугунгача аҳвол қуйидагича:

Жамоалар	Ў.	Ю.	Д.	М.	Т.	О.
Яман	4	2	1	1	8-1	7
Индонезия	3	1	2	0	9-1	5
Ўзбекистон	1	1	0	0	1-0	3
Камбоджа	4	0	1	3	1-17	1

КИМГА ҚУВОНЧ, КИМГА АЛАМ

МАМЛАКАТ биринчилиги биринчи табақасида қатнашаётган вилоятимизнинг «Металлург» ва «Бўкалик» жамоалари 9-турда ўзаро учрашдилар. Бунгача улар сафарда 2 тадан ўйин ўтказишди. Агар «Металлург», «Шўрчи» ва «Шўртон» билан бўлган ўйинда олти имкониятдан тўрт очко тўплаб, пешқадам бўлиб олган бўлса, «Бўкалик» иккала учрашувда ҳам мағлубиятга учради.

Бўкада бўлиб ўтган ўйинда мезбонлар 2:1 ҳисобида устун келишди. Тўпларни майдон эгаларидан 10- ва 42-дақиқаларда Қобил Эргашев, «Металлург»дан 46-дақиқада Анвар Қосимовлар киритди.

Тошкент вилояти футбол федерацияси масъул котиби, халқаро ҳакам Виктор Вишинский учрашув ҳақидаги мулоҳазалари билан ўртоқлашиб шундай деди:

— Ўйин менга ёқди. Айниқса «Бўкалик» футболчиларининг бутун майдон бўйлаб доимо ҳаракатда бўлиши, ҳар бир метр майдон ва ҳар бир тўп учун кураш олиб бориши қувонарлидир. Аксинча, бу ўйинда «Металлург» жамоаси аъзолари унчалик жон қойитмаганликлари сезилди ва бунинг эвазига ютқазишди.

9-турнинг бошқа учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Лочин» — «Шўрчи» — 3:4, «Темирйўлчи» — «Гулистон» — 5:1, «Боғдод» — «Зафар» — 2:2, «Машъал» — «Шаҳрихон» — 1:0, «Дўстлик» — «Пахтаобод» — 1:0, «Ситора» — «Норин» — 2:1, «Орол» — «Кимёгар» — 1:1, «Хива» — «Роҳат» — 2:0, «Қизилқум» — «Тўқимачи» — 1:2.

Тўққиз турдан сўнг турнир жадвалидаги аҳвол қуйидагича:

Жамоалар	Ў.	Ю.	Д.	М.	Т.	О.
«Темирйўлчи»	**9**	**7**	**0**	**2**	**23-9**	**21**
«Истиқлол»	**9**	**7**	**0**	**2**	**20-11**	**21**
«Металлург»	9	6	1	2	16-6	19
«Шўрчи»	8	5	2	1	18-8	17
«Бўкалик»	9	5	1	3	14-12	16
«Машъал»	9	4	3	2	12-9	15
«Қизилқум»	8	3	4	1	7-4	13
«Тўқимачи»	9	4	1	4	15-14	13
«Лочин»	9	4	1	4	14-14	13
«Шаҳрихон»	9	3	3	3	11-8	12
«Боғдод»	9	3	3	3	9-10	12
«Роҳат»	9	3	2	4	8-9	11
«Орол»	8	3	1	4	12-12	10
«Норин»	9	3	1	5	7-11	10
«Кимёгар»	9	2	4	3	7-9	10
«Хива»	8	3	1	4	10-13	10
«Ситора»	8	3	1	4	8-11	10
«Гулистон»	**8**	**3**	**0**	**5**	**7-13**	**9**
«Дўстлик»	**9**	**2**	**2**	**5**	**7-17**	**8**
«Зафар»	**8**	**2**	**1**	**5**	**12-16**	**7**
«Шўртон»	**8**	**2**	**1**	**5**	**11-16**	**7**
«Пахтаобод»	**9**	**1**	**1**	**7**	**6-21**	**4**

Вилоят ички ишлар бошқармаси хабар қилади

ҒИШТКЎПРИКДА ҚЎЛГА ТУШДИ

● ҒИШТКЎПРИК текширув масканы Тошкент тумани билан Қозоғистон чегарасида жойлашган. Бу ердан ҳар куни қанча-қанча автоуловлар ўтади. Лекин, «Мерседес» 82—29—ТШР автобуси нимагадир дарҳол посбонларда гумон уйғотди.Божхона ҳамда ички ишлар ходимлари янглишмаган экан. Автобусда ноқонуний йўл билан четга олиб чиқиб кетишга мўлжалланган 2 тонна мис ва 3 тонна гуруч топилди. Ҳайдовчи Ш. Р. энди ўз қилмишлари учун терговолдида жавоб беради.

«ҚОРА ДОРИ»НИНГ ҚОРА ИШИ

● БЕКОБОД шаҳридан бошқа вилоятларга борувчи катта кўчалар ўтади. Чегара постларида ҳар куни кўплаб йўловчилар билан мулоқотда бўлишга тўғри келади. Лекин, уларнинг ичида жиноий ишга қўл урган кимсаларни дарҳол аниқлаш унчалик осон бўлмайди.

Мана, Андижон — Тошкент йўналишидаги автобус ишорага бўйсуниб тўхтади. Йўловчилар билан «юз кўришиш» бошланди. Лекин, улардан бири — Л. К. нинг кўзлари бежо эди. Унинг қўл юклари алоҳида хонада текшириб кўрилганда 2 килограммдан ортиқ қора дори борлиги маълум бўлди. Л. К. аввало, сувдан қуруқ чиқмоқчи бўлди. Аммо, буни эплай олмади. Айни кунларда бу иш юзасидан тергов олиб борилмоқда.

«ПОЛЛАДИЙ» ПАНД БЕРДИ

● КОРХОНАДА бўлган нохуш воқеа тўғрисидаги хабар дарҳол ҳамманинг қулоғига етди. Нима эмиш, дарвозада фирибгарлар қўлга тушибди. Аслида воқеа бундай бўлган эди.

16 май куни эрталаб эндигина иш бошланганда Чирчиқдаги «Капролактам» корхонаси идорасига басавлат, башанг кийинган, ажабтовур икки йигит кириб келди. Улар вазминлик билан ўз ҳужжатларини кўрсатдилар. Ҳа, улар жуда нуфузли маҳкама ходимлари эди. 20 миллион сўмлик 100 килограмм «полладий» нодир металлини олиш учун расмий қоғозлар тўлдирилди. Аммо, кўп ўтмай иш чаппасига айланди. Мутасаддиларнинг сезгирлиги. туфайли ҳунук ишнинг олди олинди. Фирибгар В. Ф. ва А. О.лар корхона дарвозаси олдида хибсга олиндилар.

Рустам ЁДГОРОВ,
Раҳим БЕРДИЕВ.

БУ ТУРФА ОЛАМ

СОҒЛИҚҚА ҲАМ, ЧЎНТАККА ҲАМ ЗАРАР

Юраги операция қилинган беморларни касалхонада узоқ вақт ушлаб туриш шарт эмас. Америкалик шифокорлар кўп йиллик кузатишлар натижасида шундай хулосага келдилар. Уларнинг фикрича, юрак операциясидан сўнг ўзини тутиб олиш учун беморга атиги 5 кун кифоя экан.

Вашингтондаги Дьюка университети тиббиёт марказида ўтказилган кенг кўламдаги тадқиқотлар шуни кўрсатдики, юраги операция қилинган одамнинг касалхонада узоқ ётиши руҳий тушкунликка олиб келади. Қолаверса, Америка шифохоналарида беморлар даволаниши учун суткасига 1300 доллар тўлайди. Яъни, бемор учун шифохонада узоқ ётиш ҳам соғлиққа, ҳам чўнтакка зарардир.

НОМАЪЛУМ ҲИНДУ ҚАБИЛАСИ

Бразилиялик таниқли эколог олим Сидней Поссуэлу бошчилигидаги экспедиция аъзолари Амазона штатидаги Алту-Солимоис туманида номаълум ҳинду қабиласига дуч келди. Қизиғи шундаки, бу ҳиндулар шу пайтгача оқ танли одамлар билан мулоқотда бўлмаган экан.

Ўзларини «карабуслар» деб атовчи бу қабила аъзолари оқ танли одамларни кўриб, худди ёвуз душманга рўпара келгандек сергакланди. Экспедиция аъзолари йўлбошловчи ҳинду орқали уларга совғалар бериб, ўзларининг ёмон ниятда эмаслигини англатгандан сўнг ёввойи ҳиндулар қуролларини туширдилар.

Сидней Поссауэлунинг бу «кашфиёт»ини Бразилия миллий ҳиндулар жамғармаси «ажойиб янгилик» деб қабул қилди ва «карабуслар» яшайдиган ерларни ўз муҳофазасига олди.

ЭНГ БОЙ АКТЕР

Американинг машҳур киноюлдузи Арнольд Шварценеггер бугунги кунда дунёдаги энг бой актёрлардан саналади. У ўзининг иқтисодий «империяси»ни актёрлик фаолиятидан ташқари хусусий ресторанларидан келадиган пуллар ҳисобига ҳам кенгайтирмоқда. Айниқса, унинг «Голливуд сайёраси» ресторани анча машҳурдир.

Бугунги кунда «Голливуд сайёраси» дунёнинг турли бурчакларида 30 дан ортиқ шохобчаларига эга бўлиб, улардан тушган йиллик даромад бор-йўғи, 50 миллион долларни ташкил этар экан. А. Шварценеггер яқин кунлар ичида ўз реторанлари сонини яна 12 тага кўпайтириш ҳаракатида. Германиянинг Берлин, Оберхаузен шаҳарларида ҳам Арнольднинг «чойхона»лари очилиш арафасида турибди.

ПОЕЗДНИ ИЖАРАГА ОЛДИ

Бугунги кунда дунёда Бруней султони Хассанал Болкиахга етадиган бойвачча камдан-кам топилса керак. Ҳозирда унинг ғазнасидаги бойлик 40 миллиард АҚШ долларига тенг экан. Хассанал Болкиахгнинг бошқа бойлардан фарқли томони шундаки, у ашаддий автомобил коллекционеридир.

Айни пайтда унинг юзлаб «Порше», «Феррари», «Ломборджини», «Линкольн», «Бентли» ва «Ягуар»и бор.

Яқинда эса, Бруней султони Швейцарияга сафари чоғида, Женева-Лозанна йўналиши бўйича қатнайдиган поездни 50 минг долларга бир кунлик ижарага олди.

(ЎзА).



Об-ҳаво

НИҲОЯТ... ЁМҒИР ЁҒМАЙДИ

Ўзбекистон гидрометеорология марказидан маълум қилишларича, 24-28 май кунлари ҳаво очиқ келади. Шарқдан сониясига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Кечалари ҳарорат 15-20 даража, кундуз кунлари 30-35 даража атрофида бўлади.

Паркент туманидаги 25-ўрта матаб томонидан 1994—95 ўқув йилида Алматов Улуғбек Сайпидиновичга берилган АО 026362 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Янгийўл туманидаги Ҳамза номли 44-ўрта мактаб томонидан Жамил Ҳикматиллаевич Ҳикматиллаевга берилган 015915 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги етуклик аттестати йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Бекобод туманидаги 31-ўрта мактаб томонидан Илҳом Бердиев номига берилган АО 118664 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Сирғали тумани дезинфекция станцияси жамоаси шу станция бош шифокори Гулнисо Норимбоевна Темировага падари бузруквори

МИРЗАЕВ Норимбой отанинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент вилояти ҳокимлиги жамоаси Чирчиқдаги «Электркимёсаноат» ишлаб чиқариш бирлашмасининг собиқ директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган муҳандис

Воҳид Қодирович
ҚОДИРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
•
TOSHKENT HAQIQATI

Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин
МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:
хатлар ва оммавий ишлар бўлими:
33-40-48
Эълонлар:
33-99-15, 36-57-27.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйҳатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0286. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ. Адади 13.826 нусҳа.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 19. 00. Босишга топширилди – 17.15. 1 2 3 4 5 6